O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
12-noyabr
payshanba

№ 41 (4479)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz



## БУЛУТЛАРГА ЁНДОШ, ОСМОН ОСТИДА...

16–17



Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳаларда ҳавас қилса арзигулик улкан ишлар амалга оширилди. Хусусан, водий вилоятларини пойтахтимиз ҳамда республикамизнинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи А-373 «Тошкент – Ўш» автомобиль йўлининг Қамчиқ довонида олиб борилган бунёдкорлик ишлари ҳам юртимиз аҳолисига кўплаб қулайликлар яратаётгани билан эътиборга моликдир.

ТАДБИР

# ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тиббиёт бошқармасида Тиббиёт ходимлари куни муносабати билан ташкил этилган тадбирда Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник Р. Хатамов қатнашиб, Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант П. Бобожоновнинг ички ишлар органларида хизмат қилаётган тиббиёт ходимларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.**



Табрикда сўнгги йилларда шахсий таркибнинг саломатлик кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланишига вазирлик тасарруфидаги 50 дан ортиқ тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатаётган 2,5 минг нафардан зиёд шифокор ва ҳамширалар, соҳага дахлдор бўлган бошқа ходим ҳамда хизматчиларнинг самарали фаолияти туфайли эришилаётгани тилга олинган.

Шунингдек, мураккаб ва синовли кунларда ўз ҳаёти ва соғлиғини хавф остига қўйиб, тождор вирусга қарши курашиш, инфекция кенг тарқалишининг олдини олиш, юртимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш ишларида, ички ишлар органлари ходимларининг саломатлигини муҳофаза қилишда тиббиёт ходимларининг муносиб ҳиссаси борлиги алоҳида таъкидланган.

Тадбирда бириктирилган контингентга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, малакатимизда айни пайтдаги эпидемиологик вазиятни барқарорлаштириш ишларига салмоқли ҳисса қўшиб келаётган тиббиёт ходимлари вазирликнинг идоравий нишонлари, фахрий ёрлиқ ва эсдалик қўл соати билан тақдирланди. Айрим ходимларга муддатидан олдин «подполковник» махсус унвони берилди.

– Ички ишлар вазирлигининг «Фахрий ёрлиғи» билан тақдирландим, – дейди ИИВ Марказий ҳарбий-тиббий комиссияси эксперт шифокори, капитан Ислом Очилов. – Мен бу рағбатдан ниҳоятда хурсандман. Биламизки, ички ишлар тизимида ҳар бир топшириқ, вазифа ходимлардан профессионал ёндашувни, ирода, мардлик ва фидойиликни талаб этади. Бунда уларнинг саломатлиги муҳим. Бир шифокор сифатида ана шундай масъулиятли соҳа вакилларининг саломатлигини мустаҳкамлашда ўз ҳиссам борлигидан фахрланаман.

Дарҳақиқат, Ватанимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдек шарафли вазифаларни адо этаётган ҳар бир ходимнинг саломатлиги учун қайғураётган жонкуяр ва фидойи тиббиёт ходимларининг фидокорона меҳнати эътирофга лойиқдир.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

# Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ИИББ: ҲАМКОРЛИК ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛАДИ





**Тошкент вилояти ИИББ бошлиғи, полковник Тоҳир Арипов раҳбарлигидаги бир гуруҳ масъул ходимлар илғор иш усулларини ўрганиш ҳамда тажриба алмашиш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида бўлишди.**

Ташриф доирасида ўтказилган музокара давомида ўзаро ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланиб, ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда содир этилган жиноятларни тезкор фош этишга қаратилган биргаликдаги тадбирлар йўналиши белгилаб олинди. Фирибгарлик, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний айланиши, одам савдоси, шунингдек, терроризм ва ахборот-коммуникация билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш соҳасида янги ечимларни топиш бўйича қўшма таклифларни ишлаб чиқиш, илғор тажриба ва тезкор маълумот алмашиш масалалари муҳокама қилинди.

Икки чегарадош ҳудуд ички ишлар органлари олдида турган жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш муаммоларини самарали ҳал этиш ҳаракатларни бирлаштириш, жиноий фаолият динамикасини таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш бўйича амалий фаолиятни такомиллаштиришни тақозо этиши қайд қилинди.

Учрашув якунида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш тўғрисидаги қўшма қарор имзоланди.

Шу куннинг ўзида Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси делегацияси пойтахт ИИББ бўлинмаларида бўлиб, ходимлар фаолияти ва яратилган шароитлар билан яқиндан танишдилар.

**Ўз мухбиримиз.**

ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# АҲОЛИГА КАМАРБАСТА



Дастлаб хизматни 1996 йилда Бухоро шаҳар ИИБ ҳузуридаги Қўриқлаш бўлимида бошлаган А. Сайидов кейинчалик Когон шаҳридаги «Бухорои шариф» маҳалла фуқаролар йиғинида профилактика инспектори вазифасини бажарди. 2013 йилдан бошлаб эса Олот туманидаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фаолиятини давом эттирди. Салкам уч йилдан бери профилактика катта инспектори лавозимида хизмат қилаётган А. Сайидов шогирдлари – катта лейтенант Шаҳбоз Очилов ва лейтенант Суръат Орзиқуловларнинг ишини назорат қилибгина қолмай, уларга йўл-йўриқ ва маслаҳатлар бериб келяпти. Майор А. Сайидовнинг кўп йиллик тажрибаси, юқори касбий маҳорати ҳудудда осойишталикни таъминлаш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда қўл келмоқда.

Ҳозирги кунда «Пахтакор» маҳалласи тубдан ўзгарди. Бунёдкорлик ишларини амалга оширишга профилактика катта инспектори ҳам муносиб ҳисса қўшди. Айниқса, 27 апрель куни содир бўлган табиий офат оқибатида кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилаларга етказилган моддий зарарларнинг оқибатларини бартараф этишда ҳамда ободонлаштиришда жонбозлик кўрсатди. Шу билан бирга, пандемия тарқалиб кетишининг олдини олиш мақсадида маҳалладошлари, яъни 645 та оиланинг ҳолидан хабардор бўлиб, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борди.

Майор Аброр Сайидов айни пайтда маҳалланинг уч минг бир юз эллик нафар аҳолисига камарбаста бўлиб келяпти. Маҳалладошлари асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади. Қолаверса, тадбиркорлик ҳам яхши йўлга қўйилган. Биргина профилактика катта инспекторининг ёрдами билан йил бошидан буён 70 нафар ёш ишли бўлди. Уларнинг аксариятини тадбиркорлар қўллаб-қувватлашди. Хусусан, тадбиркор Акмал Файзиев иссиқхонасида айни пайтда ўндан ортиқ ёшлар ишлашяпти. Яна муқаддам судланганлар Ғайбулло Худойқулов ҳамда Ахмад Исмоиловларни доимий иш билан таъминлади.

– Хизмат ҳудудимдаги фаоллар ўртасида ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик яхши йўлга қўйилганлиги боис жорий йилда умуман жиноят ҳолатлари қайд этилмади,– дейди профилактика катта инспектори, майор Аброр Сайидов. – Қолаверса, фуқароларимиз азалдан шу ерда истиқомат қилиб келаётганлиги, ўзаро иноқлиги, тотувлиги хизмат олиб боришимда жуда қўл келяпти. Шу боис ҳам ўтган ойлар мобайнида ўнлаб оилалар яраштирилди, ажримга йўл қўйилмади. Бундан ташқари, вояга етмаганлар орасида бирорта ўсмир профилактик рўйхатга олинмади.

Ҳа, тотувлик бор жойда тинчлик, осойишталик ҳукм суради. Турли қоидабузарлик, ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади. Аҳоли фаровонлиги ошади, ўзига тўқ ва бадавлат яшаётган оилалар сони кўпаяди.

– Маҳалламиздаги хонадонларнинг аксарияти намунали ва ибрат олса арзийдиган оилалардир, – дейди «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мўмин Боймуродов. – Аммо ахлоқсизлиги билан жамиятимизга салбий таъсир кўрсатаётган айрим фуқаролар ҳамон учраб турибди. Масалан, тўрт нафар спиртли ичимлик ичишга ружу қўйган шахсни бир неча маротаба огоҳлантиришимизга қарамай, барибир одатини тарк этишмади. Оила аъзолари, қолаверса, қўни-қўшнилари билан кунора жанжаллашавергач, Аброр Сайидов уларни вилоят наркология диспансерининг мажбурий даволаниш бўлимига ётқизди. Айни пайтда уларнинг икки нафари даволаниб чиқди. Ҳозир оиласи, қўни-қўшнилари билан тинч-тотув яшаб келишяпти.

Профилактика катта инспекторининг осойишталикни таъминлашдаги ибратли ишларидан яна бири маъмурий ҳуқуқбузарлик қилган шахслар билан бир йил давомида қайта ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир қилмаслиги учун профилактик ҳисобга олиб, сўнг ойига камида икки маротаба суҳбатлар ўтказиб келяпти. Ўтган ойлар давомида 51 нафар шахс профилактик ҳисобга олиниб, уларнинг ҳар бирига яшаш жойларида маҳалла фаолларидан мураббийлар бириктирилди. Якка тартибдаги профилактик суҳбатлар доимий равишда ўтказилмоқда.



Шу билан бир қаторда, 246 та турли кўринишдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, маъмурий баённомалар тузилди. Уларнинг 16 таси майда безорилик, 13 таси ичкиликбозлик билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар, 14 таси паспорт-виза қоидаларини бузиш ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатларидир.

Ҳақиқатан ҳам, бундай ютуқларга эришишнинг ўзи бўлмайди. Лавҳамиз қаҳрамонининг соҳага оид сир-асрорларни ўз вақтида устозларидан пухта ўзлаштиргани унга қўл келмоқда. Шунинг учун ҳам истеъфодаги подполковниклар Ҳамза Қурбонов ҳамда Мурод Ориповлардан бир умр миннатдор.

Қисқаси, эл ишончини оқлаш йигит учун энг катта бахт. Бу йил Президентимиз фармонига биноан, «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланди.

Аброржон намунали оила бошлиғи, умр йўлдоши Дилафрўз Жўраева билан биргаликда тарбиялаётган фарзандлари Наргиза ва Шаҳобиддинлар ҳам келажакда юрт корига камарбаста ота-онасига муносиб инсонлар бўлиб етишишига ишончимиз комил.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

# АДОЛАТНИ УСТУВОР БИЛИБ



1965 йили Қамаши туманида, оддий ишчи оиласида туғилиб вояга етган Муҳиддин мактабни тугатиб, Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширди. Биринчи курсни битирганида ҳарбий хизматга чақирилди. Ҳарбий қисмдан қайтгач, яна ўқишни давом эттирди. 1990 йили университетни тугатиб, ҳуқуқшунос дипломини қўлга олган Муҳиддин Норқобилов ички ишлар органларида ишлаш учун ҳужжат топширди.

Дастлаб Қарши шаҳар ИИБда ҳудудий профилактика инспектори лавозимида хизматни бошлаган М.Норқобилов соҳа сирларини подполковник Йўлдош Пардаевдан ўрганди. Ўша кезларда жиноятчилик авж олган, иттифоқ жар ёқасига келиб қолган даврлар эмасми, турли уюшган гуруҳлар томонидан оғир турдаги жиноятлар кўп содир этиларди. М. Ноқобилов ҳам касб тақозосидан келиб чиқиб, ҳамкасблари билан оғир турдаги жиноятларни фош этишда қатнашиб, тажриба ва малакасини бойитди. Хизмат зарурати туфайли тергов бўлимига кирган вақтларда, майор Қурбон Хўжановдан терговчилик сирларини ўрганишни канда қилмади.

Муҳиддин Норқобиловдаги интилиш, билим ва тажриба орадан бир йил ўтиб, ички ишлар органларининг тергов соҳасида ишлашига замин ҳозирлади. Тергов йўналишида полковник Очил Хўжанов, подполковниклар Абдимажид Ўралов, Воҳид Абдуллаев ва Бердиёр Тўраевлардан соҳанинг ўзига маълум бўлмаган қирраларини ўрганди. Терговчилик ўта мураккаб ва масъулиятли касб эканини, унда фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари биринчи ўринда туришини англади.

Қарийб ўттиз йилдан бери тергов соҳасида хизмат қилиб келаётган подполковник Муҳиддин Норқобилов Миришкор, Қамаши ва Чироқчи туманлари ИИБда тергов бўлинмасига раҳбарлик қилди. Жойларда жиноятларнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этиш борасида самарали хизмат қилиб, тўплаган малака ва тажрибасини шогирдларига ўргатди.

Бугун Чироқчи тумани ИИОФМБ бошлиғи, подполковник А. Бешимқулов, вилоят ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси катта терговчиси, майор Ш.Зайниддинова, Косон тумани ИИБ ҳузуридаги Тергов бўлими бошлиғи, майор Э.Ташановлар подполковник Муҳиддин Норқобиловни устоз, дея эъзозлашади.

– Инсон ўз устида астойдил ишласа, ўқиб-ўрганса, изланса, машаққатлардан қочмаса, албатта, орзусига етишади. Бунга ҳаётим мисолида кўп бора гувоҳ бўлдим, – дейди подполковник Муҳиддин Норқобилов.

Бугунги кунда Муҳиддин ака турмуш ўртоғи Сайёра опа билан уч нафар фарзандни олий маълумотли қилиб, эл корига камарбаста фарзандлар этиб тарбиялади. Кичик ўғли Ойбек Турсунов ота касбини танлаган.



Эл-юрт осойишталиги йўлида қилинган ҳар қандай хизмат беиз кетмайди. Президентимиз фармонига кўра, Ички ишлар органлари ходимлари куни байрами муносабати билан подполковник Муҳиддин Норқобилов «Содиқ хизматлари учун» медали билан тақдирланди.

**Содиқ РАҲИМОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Қашқадарё вилояти.*

МУАММО, МУЛОҲАЗА ВА ТАҲЛИЛ

# ОИЛА-ТУРМУШ ДОИРАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР

## уларнинг сабаблари нимада?



**Республикамизда бир кунда содир бўлган жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ҳисоботини кўздан кечириш асносида оила-турмуш доирасида, қўни-қўшнилар ўртасида юз берган турли кўнгилсиз ҳолатлар билан танишган ҳар қандай кишининг юраги эзилиши турган гап. Ўғил отага қўл кўтарган, эр хотинига тан жароҳати етказган, қўшнилар жиққамушт бўлган... Бу каби салбий ҳолатларнинг сабаблари нимада?**

Кимлардир буни пандемия туфайли юзага келаётган қийинчиликлар, баъзилар таълим-тарбиянинг издан чиқиши, оилалардаги носоғлом муҳит билан боғлаши мумкин. Рўзғордаги моддий етишмовчилик, ишсизлик, спиртли ичимликларга ружу қўйиш, хиёнат, рашк, мерос талашишни ҳам сабаб қилиб кўрсатадиганлар бордир, балким. Оила-турмуш доирасида келиб чиқаётган кўнгилсизликларга шу омиллар ҳам маълум маънода сабаб бўлаётгани бор гап.

Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг шу даврида оила-турмуш доирасида содир этилган қасддан баданга енгил, ўртача ёки оғир шикаст етказиш жиноятлари 862 тани ташкил этмоқда. Бу турдаги жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилганида, 14 таси рашк, 32 таси мол-мулк талашиш, 596 таси ўзаро муросага келолмаслик, 220 таси бошқа сабаблар туфайли келиб чиққани маълум бўлди. Жиноятларнинг 337 таси эрининг хотинига, 28 таси хотинининг эрига, 76 таси қўшнисига, 63 таси ака ёки укасига, 358 таси бошқа қариндошларига нисбатан содир этилган. Шу ўринда айрим мисолларга тўхталиб ўтсак.

**“Жорий йилнинг 15 октябрь куни Фарғона вилоятининг Бувайда туманида фуқаро А.К. қайнотаси ва турмуш ўртоғи билан жанжаллашиб қолади. Жаҳлига эрк берган йигит уларни уриб, тана қисмларига турли даражада жароҳат етказади.**

**“22 октябрда эса Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида яшовчи С.Д. ўзаро келишмовчилик оқибатида қариндоши К.Р.нинг қорин ва ўнг оёқ қисмига пичоқ санчиб олади. Жанжал пайтда улар спиртли ичимлик таъсирида бўлган.**

Бу каби жиноятларнинг келиб чиқишига бирида рашк, бошқасида мол-мулк талашиш, яна бирида хиёнат сабаб бўлганлигини кўришимиз мумкин. Аммо моддий етишмовчилик туфайли келиб чиққан жиноятлар ҳам салмоқли.

– Уйида етишмовчилик бўлгандан кейин уруш-жанжал келиб чиқади-да, дейдиганлар топилади. Лекин нега бундай ҳолатлар қаҳатчилик даврида, уруш йилларида жуда кам содир бўлган? – дейди Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг ўринбосари Шермуҳаммад Гулов. – Биласизми, ўша пайтларни ўз кўзи билан кўрган ота-боболаримиз «исмалоққа ун сепиб қовуриб ердик», «очликни босиш учун кунжара еб шишиб ўлганларни кўрдик» деб кўп айтгувчи эди. Лекин фалон йили фалончи отасига тиғ кўтарган, ака-ука ер талашиб муштлашган, қўшнилар ароқ ичиб жиғиллашган, деган гапларни ҳеч эшитмасдик. Сабаби, одамлар борига шукур қилиб, сабр-қаноатни ўзларига дўст билиб яшашган. Ҳалол-ҳаромнинг фарқига боришган. Оилада хотин билан эрнинг ўз ўрни бўлган. Бугун-чи, бугун оиладаги шароитни ҳисобга олмай, хотинлар эрига осмондаги ойни олиб беришини талаб қилади. Аксарият йигитлар турмуш ўртоғига «Дадангга айт, менга машина олиб берсин, уй олиб берсин» дейдиган бўлди. Бу каби ҳолатларнинг келиб чиқиши, оила-турмуш доирасидаги жиноятлар кўпайишининг асл сабаби оиладаги муҳитнинг бузилгани, тарбиянинг йўқлиги, иймоннинг сустлиги, деб биламан.



Таҳлилларга кўра, жиноятлар, келишмовчиликларнинг аксарияти мастлик оқибатида содир этилган. Хусусан, жорий йилнинг 10 ойи давомида оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг 56 таси мастлик ҳолатида содир бўлган. Энг ёмони, оила-турмуш доирасидаги жиноятлар оқибатида кўплаб инсонлар дунёдан кўз юмган. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида 125 та қотиллик жиноятi содир этилган.

Минг таассуфки, аввалари гунохга ботмайин деб, отамиз ўтирган уйнинг томига чиқишга истиҳола қилган бўлсак, бугун аксини кўрмоқдамиз. Аввалари ота ёки она гапираётганда, гапини бўлмай, жим туриб эшитишган бўлса, ҳозир «овозингизни ўчиринг» дейдиганларни кўряпмиз.

Яна бир афсусланарли жиҳат шуки, оила-турмуш доирасидаги жиноятларнинг аксарият қисми оилада, хонадонларда содир этилмоқда. Воқеага кўп ҳолларда болалар «томошабин» бўлишяпти. Хўш, энди айтинг-чи, ота-онасининг ҳар куни жанжалидан безган, оилада бахт топмаган болаларнинг келажаги нима бўлади? Қуш уясида кўрганини қилмаслигига, улар ҳам катта бўлса, кимнидир азобламаслигига ким кафолат бера олади?

Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва унинг қуйи бўғинлари ташкил этилди. Оилада турли тазйиқларга дуч келаётган аёлларни асраш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида ҳимоя ордери берилиши йўлга қўйилди. Ҳудудларда хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика инспектори лавозимининг жорий этилишидан кўзланган мақсад ҳам шу турдаги жиноятнинг олдини олишдан иборатдир.

Ҳозирги кунда профилактика хизмати ходимлари жамоатчилик билан ҳамкорликда хонадонларга кириб, оилаларнинг моддий аҳволи, муаммоларини ўрганишмоқда. Зарур ҳолларда моддий-маънавий ёрдам, ҳуқуқий кўмак кўрсатиляпти. Бунинг натижасида кўплаб муаммолар ҳал этилиб, ажрашиш остонасидаги оилалар сақлаб қолиняпти. Рўй бериши мумкин бўлган турли кўнгилсиз ҳолатларнинг олди олинмоқда. Бироқ қарс икки қўлдан чиқади, дейишади. Тўғри бўл, уришма, деб мингта хонадонга бош суққан билан ўша оилада муҳит умуман бузилган, тарбия ўнглаб бўлмас даражада издан чиққан бўлса, додингни кимга айтасан? Бундай ҳолатда олиб борилаётган тарғибот ва ташвиқот ишларининг самарадорлиги пасаяди, албатта. Шундай экан, аввалам бор, оилада ёш авлод тарбиясини тўғри йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Айтмоқчи бўлганларимиздан хулоса чиқариш сиздан. Зеро, ҳеч нарса бирданига, тўсатдан содир бўлмайди. Оиладаги носоғлом муҳит ҳам йиллар давомида шу даражага келиб қолганлигини унутманг. Ҳар дақиқа яқинларимизга меҳр-оқибатли бўлиб, уларни асраб-авайлайлик.



**Жасур ШАРИПОВ,**
**ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник.**
**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**

ХИЗМАТ ЖОЙИ – ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИ

# УШАЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

**Айтишларича, эрталаб ишга, кечқурун уйга шошган инсондан бахтли киши йўқ экан. Дарҳақиқат, шундай. Оиласидан хотиржам, севган касби билан шуғулланадиган одам барча вазифаларни вақтида бажара олиши, муаммоларга дуч келмаслиги шак-шубҳасиз.**

Ана шундай инсонлардан бири тиббиёт хизмати катта лейтенанти Лазизхон Ҳакимовдир. У болаликдаги икки орзусига ҳам эришди. Яъни, ҳарбий-врач бўлди. Асли Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманида туғилиб ўсган лавҳамиз қаҳрамони еттинчи синфдан бошлаб, ижтимоий-гуманитар фанларга ихтисослаштирилган махсус мактабда ўқий бошлади. Врачликни орзу қилган бу йигит мактабни битиргач, ҳужжатларини Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш бўлимига топширади. Талаба деган шарафли номни қўлга киритган Л. Ҳакимов 5-курс бўйича белгиланган синовлардан муваффақиятли ўтганидан сўнг, Академия ҳузуридаги ҳарбий-тиббиёт факультетига ўтказилди (ҳозирда Ҳарбий-тиббиёт академияси бўлиб алоҳида ажралиб чиқди).



2017 йилда таълим муассасасини битирган Лазизхон илк хизмат фаолиятини ИИВ Қоровул қўшинларида ҳарбий-врач мутахассислиги лавозимида бошлади. Унинг асосий вазифаси ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзолари соғлиғини ҳимоя қилиш ва даволаш билан боғлиқ бўлиб, иш жараёнида асосий эътиборни профилактика масалаларига қаратишга астойдил ҳаракат қилади.

Ҳозирда тиббиёт хизмати катта лейтенанти Лазизхон Ҳакимов Наманган вилоятининг Поп туманида жойлашган ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли 7552-ҳарбий қисм тиббий пункти бошлиғи лавозимида хизмат олиб бормоқда. Ҳарбий хизматчиларни амбулатор ва стационар даволаш билан бирга, уларнинг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган кенг қамровли тадбирларни ўтказиш каби вазифалар ҳам қисм врачлари диққат марказида.

Шу боис бу ердаги шахсий таркибда бошқа ҳарбий қисмларга нисбатан коронавирус инфекциясига чалиниш бирмунча кам қайд этилди. Касалланиш даражасининг камайиши, шубҳасиз, тиббий пункт ходимларининг ютуқларидан биридир.

Вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими поликлиникаси, ҳарбий қисм жойлашган ҳудуд тиббий муассасалари ва қисм шифокорлари ҳамкорлигида доимий равишда аҳоли билан учрашув ва суҳбатлар ўтказиб турилади. Шу билан бирга, касалликларни ўз вақтида аниқлаш ва даволашга қаратилган тадбирлар ҳам жадал суръатларда амалга оширилмоқда.

Карантин даврида ҳарбий хизматчилар ҳамда уларнинг оила аъзоларини коронавирус инфекциясидан ҳимоялаш мақсадида бино ва кўчалар тез-тез дезинфекция қилиниб, профилактик чоралар ҳамда ташвиқот ишлари кучайтирилди.

**Азиза ЖОНИЕВА.**
**«На посту» мухбири.**

ХИЗМАТЛАРДА

# ЭНГ КАТТА МУКОФОТ

Бугун аёллар жамиятимизда етакчи кучга айланди. Дилбар опа-сингилларимиз турли соҳа ва тармоқларда самарали меҳнат қилиб, юрт равнақига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш эса давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

**Шоҳиста Ғофурова 2005 йили Фарғона давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар органларида 2001 йилдан бери хизмат қилиб келмоқда. Қарийб 20 йиллик тажрибага эга ходим туман ҳудудида хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашда тегишли давлат ва нодавлат ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда иш олиб боришга катта эътибор қаратади.**

Данғара тумани Ички ишлар бўлимида хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектор лавозимида хизмат қилаётган майор Шоҳиста Ғофурова туман аёлларининг энг яқин маслакдошига, суянчиғига айланган.

– Туманимизда 90 минг 661 нафар хотин-қиз истиқомат қилади, – дейди у. – Жорий йилнинг ўтган даврида маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда 632 нафар хотин-қизнинг яшаш шароити уйма-уй юриб ўрганилди ва 588 нафар аёлнинг муаммолари ижобий ҳал этилди. 49 та маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи 2700 нафар ишсиз хотин-қизнинг 1587 нафарини туман бандликка кўмаклашиш маркази, маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳамкорликда ишга жойлаштирдик.

Қаҳрамонимиз ички ишлар органлари пробация гуруҳи ҳисобида турган 21 нафар хотин-қизнинг яшаш хонадонларига ҳам тез-тез бориб, уларнинг шароитини мунтазам ўрганмоқда. Қайта жиноят содир этмасликлари учун барча чораларни кўрмоқда.

Туманда 76 та оила нотинч ва ноқобил оилалар рўйхатига олинган. Майор Шоҳиста Ғофурова ушбу оилалар билан алоҳида иш олиб боради. Шунингдек, ажрим ёқасига келиб қолган 105 та оила билан тўғри тушунтириш ишлари олиб борилиши туфайли 64 та оилавий ажримнинг олди олинди.

Оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир қилган хотин-қизларнинг оиласига бориб, улар билан ҳам якка тартибда профилактик суҳбатлар ўтказилмоқда. Бундай аёлларнинг 18 нафарига яшаш ҳудудидаги маҳалла фуқаролар йиғини раисларининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосарлари мураббий этиб бириктирилган.

Оилаларда аёлларга нисбатан ҳар қандай жисмоний ёки руҳий зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш мақсадида тазйиқ ва зўравонликка учраган хотин-қизларга 47 та ҳимоя ордери берилди.

Қаҳрамонимизнинг аёллар бандлигига кўмаклашиш, улар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб бориш, ёрдамга муҳтож, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларни манзилли қўллаб-қувватлаш бўйича олиб бораётган ишлари ҳам эътироф этишга арзийди. Мисол учун, туманнинг Раҳматилло маҳалласида яшовчи А. исмли аёл бир нафар фарзанди билан оғир ижтимоий ҳолатга тушиб қолганди. Икки марта турмушга чиқиб, оиласи бузилган аёл ота уйига ҳам сиғмади. Қисқаси, боласи билан кўчада қолди. Бундан хабар топган майор Шоҳиста Ғофурова дарҳол муаммони бартараф этишга киришди. Маҳалла фаолларини ёнига олиб, аёлнинг яқинлари билан гаплашди, уларни тўғри йўлга солди. Натижада муаммо ижобий томонга ўзгарди. Кўчаларда сарсон юрган аёлга яқинлари уй берди, боласига нафақа тайинланди, ўзига моддий ёрдам ажратилди.

Майор Шоҳиста Ғофурова фаолиятига оид бундай мисолларни жуда кўп келтириш мумкин. Туман аёлларининг дарду ташвишини ўз муаммоси сифатида қабул қилиб, уларга яқиндан ёрдам бераётган фидойи инспектордан ҳамма миннатдор, нуронийлар эса уни доим дуо қилмоқда. Зеро, халқнинг олқиши ва дуоси энг катта мукофотдир.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**
**«Postda» мухбири.**
*Фарғона вилояти.*



СОҲА ФИДОЙИЛАРИ

# ОНА МЕҲРИГА МУШТОҚ КЎЗЛАР

– Фарангиз онамизни соғиндингми? – деди кўзлари намланган Зарина эндигина 7 ёшни қаршилаган синглисини бағрига босаркан.

– Ҳа, жуда соғиндим. Опажон, онам келармикан, – дея ўпкасини босолмай йиғлади Фарангиз...

Фарангиз бу йил эндигина 1-синфга қадам қўйди. Зарина 7-синф ўқувчиси. Уларнинг онаси Д.Ш. икки марта турмушга чиқиб, ажрашган. Шу пайтгача бирор бир тайинли ишнинг бошини тутмасдан, ичкиликка ружу қўйиб, фарзандларини ҳали у дугонасиникига, ҳали бу танишиникига ташлаб кетар, ўзи эса қаерлардадир санғиб юрарди.

Бу гал узоқ вақтгача болалари ҳолидан хабар олмагани сабабли қизалоқларни уйида сақлаб келаётган танишларидан бири Гулистон шаҳар ИИОФМБга мурожаат қилди. Аёл фарзандларига ғамхўрлик қилиши лозимлиги тўғрисида огоҳлантирилди. Шунга қарамай, у яна ўзининг ҳаловатини ўйлади, дилбандлари ҳолидан асло хабар олмади. Шундан сўнг қонуний чора кўриш учун иш Фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига тақдим этилди. Суд қарорига асосан, бемеҳр аёл оналикдан маҳрум қилинди.

Қизалоқларнинг тақдири билан шуғулланишни ўз зиммасига олган Гулистон шаҳар ИИОФМБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, катта лейтенант Мафтуна Омонова барча ҳужжатларни тўплаб, болаларни вилоят Халқ таълими бошқармасига қарашли «Болалар шаҳарчаси»га жойлаштирди.



*Гулистон шаҳар ИИОФМБ ХПБ хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспектори, катта лейтенант Мафтуна Омонова онаси ташлаб кетган қизалоқларга оналардек меҳр кўрсатмоқда.*

Мафтуна шу билан чекланмади. Кунда-кунора уларнинг ҳолидан хабар олиб турди. Ҳозир ҳам шундай. Ҳар гал борганида, қизалоқлар пешвоз чиқиб, унинг бағрига отилади. Маҳкам қучиб, худди онасини кўргандек суюнишади, аммо уларнинг мурғак қалбларидаги кемтиклик сезилиб туради...

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шундай ёзган эди: «Ҳаётимда кўп дастхат ёзишимга тўғри келган. Китоблар, альбомлар, суратлар... Фақат бир гал дастхат ёзиш мушкул иш эканини билганман. Олис вилоятлардан бирига борганимизда етимхонага таклиф қилишди. Дастурхон тўкин эди. Ширинликлар... Болаларнинг ўзи пиширган кулчалар... Томоғим хиппа бўғилиб, сув ҳам ўтмай қолди. Кейин концерт қўйишди. Болалар хушчақчақ қўшиқ айтяпти-ю, йиғлаётганга ўхшайди. Қизалоқлар шўх-шўх рақсга тушяпти-ю, кўзларида мунг бор, ғусса бор. Учрашув охирида етимхона журналига дастхат қўйишни илтимос қилишди. Узоқ ўйлаб қолдим. Сўнг ёздим: «Шу даргоҳдаги болаларнинг ота-онаси ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Тирик бўлса...»

...Катта лейтенант М.Омонова ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашиши натижасида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда жорий йилнинг 10 ойи мобайнида ажрим ёқасига келиб қолган 63 та оила ярaштирилишида фаол иштирок этди. Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган 38 нафар аёлга ҳимоя ордери берилди. Профилактик ҳисобга олинган хотин-қизларнинг 169 нафари тушунтириш ишлари олиб борилиши натижасида ҳисобдан чиқарилди.

Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ҳамда пробация бўлимида жазо ўтаётган 31 нафар аёлдан 27 нафари бандликка кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда ишга жойлаштирилган бўлса, қолган 9 нафар хотин-қизнинг хусусий тадбиркорлик фаолиятини бошлашига кўмаклашилди. Гулистон шаҳар ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими билан ҳамкорликда шахсини тасдиқловчи ҳужжати бўлмаган 32 нафар хотин-қизга фуқаролик паспортини олишга, 52 нафарининг доимий рўйхатга қўйилишига ёрдам берилди. ФҲДЁ бўлими билан ҳамкорликда қонуний никоҳдан ўтмай яшаб юрган 36 та оиланинг никоҳи қонуний расмийлаштирилди.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ олган сурат.**

ШОГИРД УСТОЗ ҲАҚИДА

# УНИНГ УЧУН МАЙДА ТАФСИЛОТНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ...

**Сўроқ давомида устознинг бу сафар ҳам адашмаганлиги ўз исботини топди. Айбланувчи 6 йил муқаддам қизни ўлдириб, мурдасини ҳовлисига кўмиб қўйганлигини тан олди.**

Илҳом Салимовга берилган «хонасида ўтириб жиноятни очади», деган таърифни эшитиб, тўғриси, ҳайрон қолганман. Ахир, қандай қилиб хонадан чиқмасдан жиноятни очиш мумкин? Кейин билсам, бундай салоҳият жиноят қидирув соҳасида тўпланган кўп йиллик тажриба ҳамда муайян ҳудуд жиноий вазиятидан доимий хабардорлик самараси экан.

Кўп ўтмай, ўзим ҳам жиноят қидирув тизимига хизматга ўтдим ва Илҳом Салимов менга устозлик қилди. У кишидан соҳа сирларини ўргандим. Устоз ҳеч қачон шогирд тарбиялашдан эринмайди. Ҳар бир ходимга топшириқ бераркан, нима қилиш кераклигини миридан сиригача тушунтиради. Агар хатога йўл қўйсанг, ўша вазифани қайта-қайта бажаришингга тўғри келади. Хуллас, пишиқ ишламаганингга қўймайди. Жойи келганда, сен учун қоядек туриб беради.

Жиззах вилояти ИИБ Жиноят қидирув бошқармаси бўлинма бошлиғи, подполковник Илҳом Салимовнинг яна бир ўзига хос одати бор. Жиноятни очмагунча воқеа рўй берган ҳудудни тарк этмайди. Ҳеч бир далил эътиборидан четда қолмайди, унинг учун майда тафсилотнинг ўзи йўқ. Жиноят жараёнини тўлиқ тиклашга интилади. Кўп йиллик тажрибаси ва ажойиб хотираси туфайли жиноят тури ва қандай усулда содир этилганлигига кўра, айбдорнинг кимлигини топа олади.

Унинг ички сезгиси кучли, мантиқий фикрлайди. Ҳар қандай инсон билан гаплашаркан, икки оғиз гапидан психологиясини тўла ўрганиб олади ва шунга мос ёндашади. Яқинда 6 йил илгари содир этилган қотиллик жинояти фош этилди. Бедарак йўқолган, деб ҳисобланган қиз билан боғлиқ иш қайта қўзғатилгач, масалага ойдинлик киритиш Илҳом Салимовга топширилди.

Гумон қилинувчилар билан бирма-бир суҳбатлашган подполковник улардан бири жиноятга алоқадор эканлигини маълум қилди. Сўроқ давомида устознинг бу сафар ҳам адашмаганлиги ўз исботини топди. Айбланувчи 6 йил муқаддам қизни ўлдириб, мурдасини ҳовлисига кўмиб қўйганлигини тан олди.

Умуман олганда, Илҳом Салимов томонидан очилган ҳар қандай жиноят тафсилотларини ўргансангиз, масалага заргарона ёндашилганлигини англайсиз. У принципли ва қаттиққўл, тартибни ёқтиради, ишлаб чарчамайди. Шунинг учун ҳам подполковник Илҳом Салимов раҳбарлик қилаётган бўлинмадаги ҳар бир тезкор ходим вазифасини мукаммал бажаради. Бўлинма ходимлари учун иш ҳодиса жойини ўрганиш ҳамда жиноятнинг сабаб ва омилларини таҳлил қилишдан бошланади. Сўнгра жиноят ким томонидан, қандай содир этилганига оид тахминлар илгари сурилади. Кейин бажариладиган ишлар тақсимланади. Кечқурун тўпланган маълумотлар жамланиб, яна таҳлил қилинади.

Бўлинмага устозимиз раҳбарлик қилгани боис ҳам сўнгги йилларда вилоятимизда содир этилаётган қотиллик, босқинчилик, номусга тегиш каби оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар «иссиқ изида» фош этилишига эришилмоқда. Фикримча, Илҳом Салимов сингари ходимларнинг саъй-ҳаракати билан жазо муқаррарлиги таъминланиб, халқимизнинг тизимга бўлган ишончи ҳам мустаҳкамланмоқда.

Тергов ва жиноят қидирув йўналишларида фаолият кўрсатган ҳамда муайян вақт Мирзачўл тумани ички ишлар бўлимига раҳбарлик қилган устозимиз кўплаб шогирдлар етиштирди. Ҳозирда уларнинг бир қанчаси вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамда шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида жиноятчиликка қарши курашишмоқда.

Устознинг бир қизи ота изидан бориб, бу йил ИИВ Академиясини тамомлади. Айни вақтда у Жиззах шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси тергов гуруҳида хизмат қилаётир.

**Санжар РАҲМАТОВ,**
**майор.**

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ

# ПРИЗВАНИЕ

Майор Уматали Ортиков посвятил любимой работе 20 лет жизни. Он вспоминает, как в юношестве мечтал стать сотрудником органов внутренних дел. Мечта сбылась после окончания Наманганского политехнического института. Когда поступил на службу, начинающему сотруднику предложили попробовать свои силы в качестве инспектора профилактики. С тех пор о переводе в другие подразделения он даже не задумывается.

– Мне нравится работать с населением. Порой за решением возникающих у жителей вопросов забываются свои. Ежедневно за помощью обращаются 5–10 человек. Три раза в неделю проводим прием граждан. Проблемы людей, в основном, социально-бытового характера, часто приходится разбирать семейные конфликты. Стараемся помочь всем, – рассказывает майор У. Ортиков.

О дебоширах, алкоголиках, наркоманах, а также тех, кто имел проблемы с законом, инспектора профилактики располагают весьма подробной информацией. На участке майора У. Ортикова, в махалле Янгиобод, проживают более трех тысяч жителей, есть и сельчане, состоящие на учете. К ним майор Ортиков заглядывает частенько. Хочешь не хочешь, а навещать их приходится, и чаще всего в ночное время суток.

Рабочий день старшего инспектора профилактики ненормированный. Понятия «день» и «ночь», «будни» и «праздники» являются, можно сказать, условными. Не существует для Уматали Ортикова и понятия «чужая беда». Его работа сопряжена с риском: кто знает, что его ожидает за дверью дома, в который он пришел по вызову или просто проверить поднадзорного.



**Старший инспектор профилактики ОВД Улугнорского района Андижанской области майор Уматали Ортиков. Награжден медалью «Содиқ хизматлари учун».**

Несмотря на все непростые моменты, о своем выборе Уматали не жалеет. Вспоминает, что службу начинал в Андижане. С благодарностью говорит о наставниках – подполковнике Рахимжоне Иминове, майорах Рахимжоне Ниёзове и капитане Вахобжоне Усманове, которые щедро делились опытом, учили, как надо работать с людьми.

После Андижана герой нашего рассказа несколько лет проработал инспектором профилактики в Фергане. Последние годы майор Уматали Ортиков служит в Улугнорском районе. Вместе с ним, каждый на своем участке, служат территориальные инспектора профилактики – старший лейтенант Аброр Исмоилов, лейтенанты Ихтиёр Юнусов, Равшан Кодиров. Майор У. Ортиков является наставником молодых сотрудников, делится с ними жизненным и служебным опытом.

Редкие выходные дни Уматали проводит в кругу семьи. Близкие понимают его. И сам инспектор профилактики уверен: если хочешь быть спокоен за вверенный участок, проводи там больше времени.

– Хочу поблагодарить Президента страны, руководство министерства за высокую оценку моего труда, – говорит майор У. Ортиков. – Считаю, что медаль «Содиқ хизматлари учун» – это награда и моих коллег, с которыми плечом к плечу несем службу во имя благополучия Родины.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент**
**«На посту».**
*Андижанская область.*

СЛУЖБА ПРОБАЦИИ





# Оступиться может каждый...

**На днях в здании хокимията Чиланзарского района г. Ташкента состоялось выездное судебное заседание, на котором рассматривались вопросы условно-досрочного освобождения осужденных, состоящих на учете службы пробации. Цели мероприятия – предупреждение правонарушений, организация эффективной профилактической работы среди населения, оказание помощи оступившимся и нуждающимся в поддержке лицам.**

В работе выездного заседания приняли участие судьи районного суда по уголовным делам, ответственные работники районного отдела по поддержке махалли и семьи, народные депутаты, представители молодежи, инспектора районного отдела профилактики правонарушений.

Учитывая семейное положение осужденных, возмещение ими причиненного материального ущерба и другие смягчающие обстоятельства, согласно статье 73 Уголовного кодекса Республики Узбекистан, суд освободил условно-досрочно 13 осужденных, находящихся на учете службы пробации.

– В целях профилактики правонарушений и снижения уровня преступности в столице глава государства утвердил «дорожную карту», – прокомментировал судья по уголовным делам Чиланзарского районного суда О. Мухаммадиев. – Во исполнение поставленных задач работниками судов, прокуратуры и органов внутренних дел реализуется системная работа, направленная на обеспечение мирной и благополучной жизни граждан, предупреждение правонарушений и борьбу с преступностью. Сегодня мы провели выездное судебное заседание, в работе которого приняли участие жители нашего района.

Аналогичное мероприятие состоялось и в УКД ОВД Шайхантахурского района Ташкента, в котором участвовали ответственные сотрудники ОВД, прокуратуры, судебных органов, председатели и активисты махаллинских сходов граждан, представители соответствующих управлений и организаций.

Председатель районного суда по уголовным делам Т. Юсупов и другие судьи в ходе судебного заседания рассмотрели дела подсудимых. Было принято во внимание их раскаяние, то, что они не нарушали порядок отбывания наказания, имеют положительную характеристику с места жительства и уже сделали для себя соответствующие выводы.

В связи с этим принято решение освободить от уголовной ответственности 14 граждан, состоящих на учете группы пробации, согласно статье 73 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

В завершение судебных заседаний была проведена профилактическая беседа с условно-досрочно освобожденными гражданами. Ответственные лица разъяснили им, какие правовые последствия предусмотрены законодательством в случае рецидива совершения преступлений. Присутствующие получили подробные ответы на вопросы, касающиеся получения паспорта и трудоустройства.

**Равшан МУХИДДИНОВ.**
**Фото Фархода ПУЛАТОВА.**

## ҚЎШСАҲИФАДА —

# ЮРТ ТИНЧЛИГИ ВА ТАРАҚҚИЁТИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШАМИЗ

**Қорақалпоғистон Республикаси ўзининг жойлашуви ва табиати билан бошқа ҳудудлардан ажралиб туради. Қўшни Қозоғистон ва Туркманистон давлатларига чегарадош республика ҳудуди жанубий-ғарбий томондан Қорақум, шимолий-шарқдан Қизилқум чўллари, шимолий-ғарбдан эса Устюрт текислиги билан туташиб кетган.**



Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида ҳар бир маҳалла бўйича «Йўл харита»лари ишлаб чиқилиб, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилди. Жойлардаги «Жамоатчилик назорати» масканларида «Фидокор ёшлар» патруль гуруҳи ва жамоатчилик вакиллари томонидан олиб борилаётган навбатчилик натижасида 413 та маҳалланинг 201 тасида жиноят содир этилишига йўл қўйилмади, 18 тасида жиноятлар сони сезиларли даражада камайди. Шунингдек, 358 та нотинч оила яраштирилиб, 369 та оилавий ажримнинг олди олинди.

Жорий йилнинг ўн ойи мобайнида республикада оғир тан жароҳати етказиш, йўл-транспорт ҳодисалари, номусга тегиш каби жиноятлар сони камайди. Қувонарлиси, талончилик ва босқинчилик жиноятлари содир этилмади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, содир этилган жиноятларнинг салкам 62 фоизини олди олиниши мумкин бўлган жиноятлар ташкил қилади. Булар безорилик, фирибгарлик, ўғрилик, товламачилик, енгил тан жароҳати етказиш каби жиноятлар бўлиб, уларнинг аксарияти яқин қариндошлар ва таниш-билишлар ўртасида, оилавий муносабатлар туфайли рўй бергани ачинарли. Шу боис жиноятчиликни камайтириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ўғрилик ва безорилик жиноятларининг олдини олиш мақсадида Миллий гвардия ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги билан ҳамкорликда қўшма қарор ишлаб чиқилиб, криминоген ҳолати оғир бўлган маҳаллаларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Биргина октябрь ойининг ўзида 54 та маҳалла танлаб олиниб, ички ишлар ва миллий гвардия ходимларидан иборат патруль гуруҳлари ташкил этилди. Жиноятлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудларда тунги патруль нарядлари кучайтирилди.






Шу билан бирга, Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси, Нукус шаҳридаги 3-сонли ички ишлар бўлими ҳамда Тўрткўл тумани ИИБда вазиятлар марказлари барпо этилиб, жойлардаги видеокузатув камераларининг ушбу марказларга уланиши таъминланди. Бу орқали жойлардаги вазиятни реал вақтда кузатиш ва қисқа фурсатларда жиноятларни фош этиш имконияти яратилди. Айни кунда бу каби марказларни бошқа ИИБларда ҳам ташкил этиш ишлари давом этмоқда.



Бундан ташқари, жорий йилда Чимбой тумани ЙҲХБга қарашли 3-сонли туманлараро рўйхатга олиш ва имтиҳон қабул қилиш бўлинмасининг замонавий биноси фойдаланишга топширилди. Бу ички соҳавий хизмат фаолиятини сифат жиҳатдан яхшилаш билан бирга, аҳолининг ички ишлар органига мурожаат қилишидаги оворагарчиликларга ҳам барҳам берди.

Ҳар бир туман ва шаҳар ИИБ бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари, хотин-қизлар масалалари бўйича профилактика катта инспектори лавозимларининг жорий қилиниши ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, мақсадимиз юрт тинчлиги ва тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдир.

Шу боис келгусида ҳам ҳудудларда жиноятчиликни жиловлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўлида барча имкониятларни ишга соламиз.

**Бахитжан ИЗБАСАРОВ,**
**полковник.**







# ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## ЎЗ ВАҚТИДА, СИФАТЛИ

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда унинг қуйи тузилмалари томонидан паспорт бериш тартиби ва уни фуқароларга беришда қатор ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 16 ёшдан юқори бўлган фуқароларнинг деярли барчаси янги намунадаги биометрик паспорт билан таъминланди. Жорий йилнинг 10 ой давомида эса 15603 нафар фуқарога биометрик паспорт расмийлаштирилди. Шунингдек, 13201 кишининг ариза-анкеталари кўриб чиқилиб, уларга ўз вақтида хорижга чиқиш биометрик



паспортлари берилиши таъминланди.

– Жисмоний имконияти чекланган ёки бошқа сабаблар туфайли тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун бўлимларимизга кела олмаган баъзи фуқароларга ходимларимиз махсус мобиль қурилма ёрдамида уларнинг яшаш жойларига бориб, суратга олиш ишларини йўлга қўйишган, – дейди бошқарма бошлиғи, майор Бахрам Уббиниязов. –. Ҳозирги кунга қадар бундай имкониятдан 418 нафар ҳамюртимиз фойдаланди. Марказдан узоқда яшовчи аҳоли вакиллари, кексалар ва жисмоний имконияти чекланган кишилар бундай қулайликдан миннатдор.

Республика ҳудудида мунтазам тарзда «Спитамен» тадбири ўтказилиб, мамлакатимизда бўлиш қоидаларини бузган шахсларни аниқлаш ишлари олиб борияпти. Жорий йилда 8 нафар фуқаролиги бўлмаган шахс, 18 нафар чет эл фуқаросининг шундай қоидабузарликка йўл қўйгани аниқланиб, уларга маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

Таъкидлаш жоизки, республикада доимий Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилишни сўраб ариза топшираётган кишилар сони ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида ана шундай истакдаги 137 нафар фуқаро ҳужжат топширган бўлса, айни кунга қадар ҳудудда яшаб келаётган, лекин фуқаролиги бўлмаган 103 нафар фуқарога Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги берилди.

**Азамат ЕСНАЗАРОВ,**
**капитан.**

СОБЛЮДАТЬ ПРАВИЛА

## ВАЖНО ПОМНИТЬ ОБ ОТВЕТСТВЕННОСТИ

Профилактические меры реализуются Отделением по обеспечению карантинных мероприятий ГУППСиООП МВД Республики Каракалпакстан совместно с региональной ветеринарной службой, ЦГСЭН и другими компетентными ведомствами.

За истекший период текущего года были проведены 277 профилактических мероприятий на дехканских рынках, 101 – объектах торговли, 208 – в населенных пунктах. Выявлены 362 административных нарушителя, они оштрафованы в общей сложности на 36 миллионов 638 тысяч сумов.

Многие граждане ежедневно совершают покупки на рынке или в магазинах, поэтому торговые точки находятся под особым вниманием стражей порядка. Сотрудники следят за соблюдением санитарно-гигиенических требований при хранении продуктов и товаров, использованием про-




давцами и покупателями медицинских масок и перчаток.

Было установлено, что на рынках реализуется продукция, изготовленная в домашних условиях и не отвечающая принятым нормам. 274 кг продуктов питания, 406 кг мяса и 135 литров молочной продукции, не отвечающих санитарным требованиям, были оформлены в соответствующем порядке. Продавцам разъяснены риски, возможные при реализации подобной продукции, поскольку она может являться источником распространения инфекции.

Кроме того, инспектора профилактики выявили 143 случая нарушения правил содержания собак, вынесли предупреждения 69 гражданам, оформили административные протоколы в отношении 74 человек. Сумма назначенных судом штрафов составила 7 миллионов сумов, обеспечено их взыскание.

Сегодня весь мир переживает трудные времена, однако мы верим, что жизнь вернется в нормальное русло. То, насколько быстро это случится, зависит от нашей ответственности и добросовестности. Поэтому каждый должен помнить о необходимости строгого соблюдения установленных правил.

**Байрам ИБРАИМОВ,**
**сержант.**



*Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимлари фаолиятидан лавҳалар.*

**Қўшсаҳифа материалларини ўз мухбиримиз Азамат ПИРНИЯЗОВ тайёрлади.**

Postda На посту

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# СОЦИАЛЬНЫЕ СЕТИ: КАК ИМИ ПОЛЬЗОВАТЬСЯ?



**Понятие «социальные сети» (применительно к интернету) употребляется в достаточно широком контексте, что зачастую приводит к размытости термина. К социальным сетям нередко причисляют форумы, сайты знакомств, онлайн-игры и даже сайты, где просто есть возможность создания собственного «профиля». В наиболее распространенном определении указывается, что социальная сеть – это многопользовательский веб-сайт, наполнением которого занимаются сами участники сети.**

Соцсети стали неотъемлемой частью нашего мира. Их используют для общения, развлечения, бизнеса и даже обучения. Особую актуальность они получили в период пандемии. Важно помнить: все, что выкладывается в сеть, остается в ней навсегда – фото, комментарии, лайки, сообщения.



К характерным особенностям, позволяющим отличить данные ресурсы от других, относят возможность: создания индивидуальных профилей пользователей; взаимодействия пользователей (посредством просмотра профилей друг друга, внутренней почты, комментариев и пр.); достижения совместной цели путем кооперации (через создание групп по интересам внутри социальных сетей); обмена ресурсами (информацией).

**Таким образом, социальная сеть – сообщество пользователей, объединенных определенной онлайн-платформой, основной характеристикой которой является возможность свободного взаимодействия между ними с целью установления и поддержания социальных связей.**

Неослабевающий интерес к социальным сетям обусловлен быстрым развитием данного вида ресурсов и стремительным ростом аудитории. Во многом это связано с тем, что они вбирают в себя многие функции, изначально предоставляемые специализированными сервисами: например, обмен файлами, поиск информации и другое.

Всеобщее «зависание» в социальных сетях несет массу опасностей, в первую очередь, для пользователей, которые злоупотребляют размещением приватной информации. Социальные сети способны влиять на нашу жизнь. Нужно с осторожностью относиться к тому, что мы делаем там, так как это может нести определенные угрозы. Какие именно?

**Проблемы конфиденциальности.** Размещая информацию о себе, вы должны быть готовы к тому, что ее может увидеть большое количество людей. В итоге ваша частная жизнь становится достоянием общественности.

**Хакерство и взлом паролей.** Даже если вы принимаете все меры для того, чтобы оградить информацию от незнакомых людей, эти попытки могут оказаться бесполезными. Есть множество хакерских программ, которые помогают подбирать пароли к популярным веб-сайтам и взламывать их.



**Виртуальные двойники.** Время от времени вы рассказываете о себе: раскрываете дату рождения, информацию о семье, занятиях, предпочтениях, поездках, людях, с которыми работаете, месте, где живете. Злоумышленник может украсть эти данные, собрать воедино и создать вашего виртуального двойника.

**Интернет-зависимость.** Вы можете проводить несчетное количество времени, проверяя свои аккаунты или просто читая о том, что происходит в жизни ваших друзей, тратить на это рабочее время и уделять меньше внимания семье и друзьям.

**В объективе камеры.** Представьте ситуацию: вы позволили себе расслабиться на вечеринке, а на следующий день знакомые или друзья выкладывают «забавные», на их взгляд, фото. И весь труд по созданию вашего положительного образа пойдет насмарку.

**Проверка соискателей.** Все больше HR-рекрутеров используют соцмедиа для того, чтобы прояснить прошлое соискателей. Допустим, вы спокойно трудитесь на нынешнем месте и не собираетесь искать новую работу, а значит, не заботитесь о том, что ваши аккаунты могут просматриваться. Но как только вы станете активным соискателем на рынке труда, ваши нынешние страницы могут быть просмотрены рекрутерами, чтобы собрать информацию и составить о вас определенное мнение. Несмотря на то, что данные вы можете удалить в любой момент, другие люди могут скопировать или даже сохранить ваши фото, видео и посты, перепостить их на своих страницах, и любая излишне откровенная информация может стать известной заинтересованному лицу.

**Потенциальные проблемы на работе.** Вы решаете разместить пост, на ваш взгляд безобидный, о коллегах или начальнике, не подозревая о том, что все может закончиться разглашением конфиденциальной информации, дискредитацией в глазах работодателя и серьезными последствиями. Если вы занимаете определенную должность, то несвободны в размещении личной информации в Сети.

**Объект издевательства.** Всем знакомы такие понятия, как «троллинг», выражающийся в проявлении агрессивного, издевательского и оскорбительного поведения для нагнетания конфликтов, или «кибербуллинг» – угрозы и запугивания в интернет-среде, направленные против кого-то с целью унижения достоинства. В результате лица, не обладающие устойчивой нервной системой либо зависимые от мнения сообщества, могут совершить под их влиянием необдуманные действия.



Несмотря на все отрицательные стороны социальных сетей, они удобны, экономичны и практичны. Главное – нужно использовать их обдуманно и предусмотрительно.

**Абдумутал ЗАКУРЛАЕВ,**
**полковник в отставке.**
**Максуд НИЯЗОВ,**
**преподаватель ТГЮУ.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚ:

## УНДАН СИЗ ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНАСИЗ?



**Бугунги замон шиддати ҳаётимизни интернет ёки ижтимоий тармоқларсиз асло тасаввур этиб бўлмаслигини намоён этаётир. Аксарият одамларнинг фаолияти интернет, ижтимоий тармоқлар ва телеграм каналлари орқали дунёда содир бўлаётган кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш, уларни бир-бирига узатиш билан боғлиқ.**

Мамлакатимиз ва дунё миқёсида содир бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, янгиликлар тўғрисидаги маълумотлар барча ижтимоий тармоқларда акс этиб боряпти. Бу янгиликлардан хабардор бўлишда эса интернет тизими, мобиль телефонлар ва компьютер технологияларидан фойдаланиш анча қулай ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзаро маълумот алмашиш ёки бирор воқеа-ҳодисага муносабат билдириш, ўз фикрини баён этиш ёки ўзаро мулоқот қилишда ижтимоий тармоқлар жуда қулай воситадир.

**Аксарият ёшлар ўзларининг қимматли вақтларини беҳуда сарфлаб, ижтимоий тармоқлардан кун бўйи фойдаланишади. Шу тариқа, улар деярли барча ахборотга эга бўлишади ва ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, у ёки бу масалага муносабат билдиришади.**

Буларнинг бари ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчилар учун ўз фикрлари, қарашлари ва туйғуларини баён қилишда тенгсиз имконият эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий тармоқлар ҳар қандай ёшдаги одамни бемисл даражада ўзига «мафтун» қилиб туради.

Аксарият ёшлар ўзларининг қимматли вақтларини беҳуда сарфлаб, ижтимоий тармоқлардан кун бўйи фойдаланишади. Шу тариқа, улар деярли барча ахборотга эга бўлишади ва ўз дунёқарашидан келиб чиқиб, у ёки бу масалага муносабат билдиришади. Бироқ билдирилган муносабатларнинг барчасини савияли, яъни маънавиятли кишиларнинг фикри, деб бўлмайди, албатта. Айниқса, бугунги кунда етарли билим ва кўникмаларга эга бўлмаган кимсалар ҳам тўғри ё нотўғрилигини ўйлаб ўтирмасдан, ижтимоий тармоқларда тарқатилган ҳар қандай маълумот юзасидан ёхуд баъзи масалаларга билим ва салоҳияти етадими, йўқми, бундан қатъи назар, ўз фикрини билдиришади. Ёки ўзларининг ёзган «асарлари» ё »мақола», «хабар», «шеър»ларини ижтимоий тармоқларга жойлаштириб, бир-бирларини кўкларга кўтариб мақташади.

Қизиғи шундаки, баъзи одамлар аслида шу ишни қилиш керакми, йўқми, деган иштибоҳга ҳам бормайди. Ижтимоий тармоқларда ҳавола этиладиган маълумотларни «безаб турган» ғализ жумлалар ҳамда имловий хатолар ўша тармоқ фойдаланувчисининг савияси қай даражада эканлигини кўрсатиб туради. Бу эса ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларида ҳам афсусланиш, ачиниш ҳолатларини келтириб чиқаради. Баъзида эса ижтимоий тармоқлар орқали ҳавола этилаётган асоссиз ва савиясиз маълумотларнинг санаб адоғига ҳам етиб бўлмайди.

Айниқса, тармоқларда шундай гуруҳлар ҳам пайдо бўлганки, фойдаланувчилар бир-бирини мақтаб кўкка кўтаришлари, шунингдек, кимларнингдир номини лойга чаплашлари оддий ҳолга айланиб бормоқда. Ғийбат улар учун оддий ҳолга айланган. Баъзи кимсалар эса ижтимоий тармоқдан ўзларига ёқмаган одамларнинг обрўсини тўкиш, ерга уриш, бунинг учун бор имкониятидан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Ижтимоий тармоқларни назоратга олиш имконияти йўқлиги боис, унда ҳар қандай ишни қилиш мумкин, деб ўйлашади. Эркин фикр айтиш имкониятидан шундай йўллар билан фойдаланиш мумкин деганлар, савиялари қай даражада эканликларини катта аудиторияга шундай йўллар билан ошкор қилишади. Шу сабаб кўпчилик бу тармоқларни ёқтиришмайди. Лекин шунга қарамай, статистик маълумотларга назар солсак, дунё ёшларининг 96 фоизи ижтимоий тармоқлар воситасида ўзаро мулоқотга киришишмоқда.

Хўш, ижтимоий тармоқ нима ўзи, унинг қандай турларини биламиз?

Олиб борилган ахборот-таҳлилий натижалар ва статистик маълумотларга кўра, Facebook ҳозирги вақтда дунёда энг машҳур ижтимоий тармоқ сифатида етакчи ўринда бормоқда. Бугунги кунга келиб, Facebook тармоғида рўйхатдан ўтганлар сони бир неча миллиард кишидан ортганлиги маълум қилинган. Ундан кейинги ўринларни эса Twitter, Instagram, LinkedIn, Google+, Pinterest, Snapchat, YouTube, Reddit, WhatsApp, Flickr, Weibo эгаллаб келмоқда.

Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқларни жаҳон медиа маконида кенг тарғиб қилиш ҳамда инсон маънавиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган жуда кўплаб маълумотлар ёритиб борилмоқда. Шу билан бирга, миллий менталитетимизга рахна солувчи турли иғволар, ғийбатлар, миллий маданиятларнинг кушандаси бўлган – «оммавий маданият» ниқобидаги таҳдид ва бошқа иллатлар хавф солиши ҳамон давом этмоқда.

Кишининг таъбини хира қиладиган жиҳати, ижтимоий тармоқлар орқали «оммавий маданият» ниқоби остида юртимизга бузуқ ғоялар, ахлоқсизлик, ғайриинсоний одатлар кириб келмоқда. Миллатнинг тарихи, ўтмишдаги қадриятларини рад этувчи, «оммавий маданият»ни тарғиб этишга ундовчи мафкуравий курашларнинг барчаси айнан ижтимоий тармоқлар орқали олиб борилмоқда. Зеро, ижтимоий тармоқлар тубанлик гирдобига гирифтор этувчи мафкурачиларининг асосий дастакларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Бинобарин, бу ҳолат ҳар биримиздан таҳдидларга нисбатан мунтазам огоҳликни талаб этмоқда.

Инсон онги, қалби ва руҳиятига тазйиқ ўтказишга ҳаракат қилаётган ғаразли кучлар ахборот хуружларини амалга оширишда энг таъсирчан воситалар сифатида интернет тизими ва ижтимоий тармоқлардан самарали фойдаланишмоқда. Айни пайтда интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали тарқатилаётган миллий маънавиятимизга ёт ғоялар ва ахборот хуружларининг ёшлар томонидан қабул қилинаётганлиги ва унинг оқибатлари кишини ташвишга солмоқда.

Қайд этиш жоизки, «оммавий маданият» намоён бўлиш хусусиятларига кўра, тил, дин, эътиқод, ирқ, макон, халқ ва миллат танламайди. У жамиятнинг маданий ва эстетик қадриятларига рахна солиш орқали ижтимоий муносабатларда инсонпарварлик тамойилларини бузади. Зеро, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда, албатта, барчамиз медиа хавфсизлик ҳақида, Ғарб давлатлари олиб бораётган мафкуравий кураш турлари ҳақида маълумотга эга бўлишимиз ва буни ёшларга ўргатишимиз лозим.

**Бугунги кунда ижтимоий тармоқларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, давлатимиз қўлга киритаётган оламшумул ютуқларни жаҳон медиа маконида кенг тарғиб қилиш ҳамда инсон маънавиятини ҳар томонлама юксалтиришга хизмат қиладиган жуда кўплаб маълумотлар ёритиб борилмоқда.**

Ижтимоий тармоқлар орқали инсон онги ва дунёқарашини ўзгартириш мақсадида ғоявий, мафкуравий таъсир ўтказиш, дизинформацион ахборот тарқатиш каби ҳолатлар, айниқса, ҳушёрликни талаб этмоқда. Ахборот хуружида инсон онги, миллат руҳияти нишонга олинади. Аслини олганда, ахборот хуружларини амалга оширишда, аввало, инсон онги ва қалбини забт этиш орқали мафкуравий таъсир ўтказиш ғояси ётади. Мазкур ҳолат давлатларнинг барқарорлигига рахна солиб, миллатнинг тарихан шаклланган қадриятлари, унинг ўзига хослиги, миллат ва халқ сифатида яшаб қолишини хавф остига қўяди. Ижтимоий тармоқлар орқали ғоявий-мафкуравий таҳдид сифатида намоён бўлаётган ёвуз ва бузғунчи ғоялар таъсирини ўз вақтида англаш, улардан доимо огоҳ бўлиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканини ҳар бир юртдошимиз, биринчи навбатда, ёш авлод вакиллари чуқур англаб етишлари лозим бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «... биз фарзандларимизнинг онги, дунёқараши асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдир шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз». Бинобарин, бугунги давр биздан дунё миқёсида бўҳтон ва уйдирмаларни тарқатиш орқали ёшларимизни алдаб, ўз қармоғига илинтиришга интилаётган ижтимоий тармоқлардаги турли салбий ҳолатларга ҳеч қандай имкон бермаслигимизни талаб этмоқда. Зеро, миллий маънавиятимизни асраш орқали ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаб, ўз халқига, юртига бўлган муҳаббатини ошириш асосий вазифамиздир.

**Мансур МУСАЕВ,
Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим бошлиғи, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори.**
**Абдураим УЛУҒОВ,
бош мутахассис.**



БИЛАСИЗМИ?

Илк электрон ижтимоий тармоқ 1995 йилда иш бошлаган Американинг **Classmates.com** (**«Одноклассники.ru»** унинг русча кўчирмаси) портали ҳисобланади. 2003—2004 йилларда **LinkedIn, MySpace** ва **Facebook** порталларининг ишга туширилиши ижтимоий тармоқларнинг имкониятларини жуда ҳам ошириб юборди. Ҳозирги пайтда 3,5 миллиарддан ортиқ инсон ижтимоий тармоқлардан фойдаланади.



УЧЕБНЫЕ СБОРЫ

# Занятия для молодых юрисконсультов





**В Караульных войсках МВД Республики Узбекистан были организованы учебно-методические сборы с целью укрепления профессиональных знаний и навыков военнослужащих, назначенных в нынешнем году на должность юрисконсульта групп юридического обеспечения войсковых частей.**

В качестве лекторов на учебные сборы были приглашены представитель Организационного департамента МВД республики капитан Навруз Махамадиев и подполковник юстиции Дилсуз Турсунова из Аппарата управления воинских формирований МВД Республики Узбекистан, которые подробно разъяснили присутствующим требования нормативных актов, касающихся правил подготовки и утверждения договорно-правовых документов хозяйствующих субъектов.

В ходе сборов участники имели возможность получить исчерпывающие ответы на интересующие их вопросы.

Молодые юрисконсульты в ходе служебной деятельности смогут эффективно использовать полученные во время учебного мероприятия знания.

**Хасан КОДИРОВ,**
**рядовой.**
**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

НА СЛУЖБЕ – МЕДРАБОТНИКИ

# Спасая жизни

**Пандемия помогла нам иначе взглянуть на труд медработников. Многие из них неделями не видят близких, сутками ходят в защитных костюмах, отдавая все силы сохранению жизни пациентов.**

Сегодня наш рассказ о враче Алишере Дусанове, который находится на передовой борьбы с коронавирусной инфекцией.

Алишер Саматович – врач-пульмонолог госпиталя Медицинского отдела УВД Самаркандской области, в котором сотрудники органов внутренних дел в настоящее время лечатся от COVID-19.

– Здесь находятся больные легкой формой, – поясняет А. Дусанов. – Тяжелобольных направляем в резервный комплекс на 1080 коек. В первый месяц карантина наш госпиталь был переоснащен, увеличилось количество коек, был завезен кислородный увлажнитель, пульсоксиметры, необходимые медикаменты.

Врачебная деятельность героя нашего повествования началась в войсковой части, но самые насыщенные годы он провел, работая кожвенерологом в следственном изоляторе № 7 г. Каттакургана.

– Там случалось многое, не все выдерживают, попадая в такое место, – вспоминает А. Дусанов.

С 2016 года Алишер Саматович работает в госпитале Медицинского отдела УВД Самаркандской области. Когда речь зашла о современной медицине, он отметил, что в наше непростое время ей не хватает самого главного – сердца:

– Очень много стало бумажной работы. Но даже если врач занят, все равно не имеет права говорить человеку, пришедшему к нему на прием: «Приходите завтра». Хороший пульмонолог должен подходить к проблеме не только с медицинской, но и с психологической точки зрения. Важно уметь разговаривать с пациентами, находить к ним индивидуальный подход.

Мы все надеемся, что эта страшная пандемия закончится, люди, наконец, вздохнут, а врачи снимут защитные костюмы.

**Замира ФАРХАДОВА.**
**Фото автора.**
*Самаркандская область.*



КИНОЛОГИЯ



# Повысили профессиональное мастерство

**В последние годы осуществляется системная работа по реформированию кинологической службы УППСиООП УВД Ферганской области, повышению профессионального мастерства сотрудников.**

В питомнике кинологической службы воспитывают умных и чутких собак. На площадке опытные дрессировщики проводят регулярные тренировки с закрепленными за ними четвероногими помощниками. Во время занятий завязывается дружба между кинологом и его питомцем, способность понимать друг друга и действовать сообща.

Сотрудники данного подразделения постоянно работают над собой и показывают хорошие результаты. С их участием раскрывается большое количество преступлений. Они занимают почетные места в престижных турнирах.

20–23 октября текущего года в городе Карши состоялся Республиканский этап соревнований по многоборью среди сотрудников подразделений кинологической службы системы ГУППСиООП МВД Республики Узбекистан. В этом состязании достойно выступили представители Ферганской области.

Сотрудник кинологической службы УППСиООП УВД Ферганской области рядовой Азизбек Исмоилов со своей служебной собакой по кличке Верона оказались лучшими в упражнении «найти след», а рядовой Дилшоджон Махкамов и его питомец по кличке Граф стали вторыми в личном первенстве.

Рядовой Мухаммадали Муминов напару с питомцем по кличке Нала заняли второе место в упражнении «выбор предмета». Третье место в задании «обнаружение наркотических средств в здании» присудили рядовому Бахромжону Домлаеву и его помощнице по кличке Лора.

– Организация соревнования была образцовой, – говорит рядовой Азизбек Исмаилов. – В составе 15 команд соревновались 60 кинологов с 60 служебными собаками. Мы не только мерялись силами и знаниями, но и обменивались опытом с коллегами из других регионов, крепко сдружились. Конкурс значительно повысил уровень знаний, профессиональное мастерство.

**Абдувосит СИДИКОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Ферганская область.*

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

# «БЕМЕҲНАТ СЕВМАЙМАН ТИРИК ТИЛИМНИ»



***Миллий адабиётимизнинг томирлари теран. Унинг ривожига бадиий қиймати баланд асарлари билан муносиб ҳисса қўшган ижодкорлар кўп. Хусусан, Алишер Навоий ўзининг бетакрор ижоди билан ўзбек тилининг нақадар жозибадорлигини исбот этди. Абдулла Қодирий эса «Ўткан кунлар»дек ўлмас асари билан ўзбек романчилик мактабига асос солиб, дунё романчилик мактаблари сонини олтитага етказди...***

Ўзбек шеъриятида эрк куйчиси номини олган машҳур шоир, таржимон ва драматург Усмон Носир ҳам ўзининг ҳаётчан шеърлари билан халқимиз меҳрини қозонган ижодкорлардан бири эди.

У 1912 йил 13 ноябрда Наманганда туғилган. Бўлажак шоир тўрт ёшида отасидан айрилади. Аввал тоғаси, 9 ёшидан эса ўгай ота қўлида тарбияланади. Бошланғич таълимни мактабда олиб, ўқишни янги услубдаги интернетда давом эттиради. Ҳаётга, шеъриятга бўлган беқиёс муҳаббат ёш Усмоннинг юрагини ҳаяжон ва шодликка тўлдириб, буюк бир оташ билан қўлига қалам олади. У олам гўзалликларини ҳеч кимникига ўхшамаган, бошқача нигоҳда илғайди. Ўша кезларда бутун борлиқ, тенгсиз табиат унинг кўзларига шеърият олами бўлиб кўринарди.

Усмон Носирнинг илк шеърлари университетда ўқиб юрган вақтларидаёқ матбуотда чоп этилади. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида ўзига хос қарашлари билан ўзбек шеъриятига янгича оқим олиб кирган ёш истеъдоднинг «Қуёш билан суҳбат» номли илк шеърий тўплами 1932 йилда дунё юзини кўради. Кейин бирданига икки китоби – «Сафарбар сатрлар» ва «Трактородром» нашрдан чиқади. 1935 йил «Юрак», 1936 йил эса «Меҳрим» китоблари билан шеърият ихлосмандларининг эътиборига тушади.

Бу тўпламлардаги шеърлар инсон руҳининг озод парвози, табиат ва муҳаббатдан тўлқинланган ёш шоирнинг чақмоқдек кескир, оловдек ёрқин, булоқ сувидек тиниқ туйғули қалбининг акс-садоси эди. Ҳар сатрига сингиб кетган ҳаётийлик, содда ва равон ифодалар ҳар қандай ўқувчининг мутолаа завқини ошириб, ҳаётга бўлган қарашларини те-







ранлаштирарди. Шоир ўзи туғилиб ўсган она Ватанга бўлган муҳаббатини «Юрак» шеърида жуда чиройли ифодалаган: «Итоат эт! Агар сендан Ватан рози эмас бўлса, Ёрил, чақмоққа айлан сен, Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..».

Усмон Носир ўй-хаёлини кечаю кундуз гўзал шеър ишқи, ижодий меҳнат банд этганди. Унинг «Бемеҳнат севмайман тирик тилимни», «Шеърим! Яна ўзинг яхшисан, Боққа кирсанг, гуллар шарманда. Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан, Жоним каби яшайсан менда» мисраларини ўқирканмиз, у шунчаки эрмак ёки ҳавас билан қўлига қалам тутмагани, балки ижодга ўзининг борлиғини, жонини бағишлаганини, шеъриятни машаққат ва меҳнат билан севиб эъзозлаганини англаш қийин эмас.

Усмон Носир шеърлардан ташқари, пьеса, эпик достонлар ҳам битди. «Назиржон Ҳалилов», «Зафар», «Ғалаба» ҳамда «Душман» драматургик асарларини 18–19 ёшида, «Атлас» номли саҳна асарини 21 ёшида ёзиб, кенг жамоатчиликни ҳайратда қолдирди. Ёниқ қалбли ёш ижодкорнинг ўз даврининг энг долзарб мавзуларини акс эттира билгани ўзбек драматургиясида ноёб ҳодиса бўлди.

Усмон Носир ўзининг бетакрор истеъдодини таржима соҳасида ҳам намоён эта олди. У Пушкиннинг «Боқчасарой фонтани» поэмасини, Лермонтовнинг «Иблис» асарларини ўзбек тилига моҳирона ўгириб, миллий адабиётимиз хазинасини бемисл гавҳарлар билан бойитди.

**«Усмон шеъриятимизга шамолдай кириб келди. Балки бўрондай! У шундай тўполон ва тўлқин билан келдики, унча-мунча шеърий услуб ва ижодни тўс-тўс қилиб юборди. Уни ўзимизда «Ўзбекнинг Лермонтови», Москва газеталарида «Шарқда Пушкин пайдо бўлди», деб ёзишди», деганди унга замондош шоир Туроб Тўла.**

«Ҳозирга қадар ёзганларим бир машқ, шунинг учун ҳам нуқсонлари кўп бўлиши мумкин», дея камтарлик билан ёзган Усмон Носир 1937 йилда «халқ душмани» сифатида ҳибсга олиниб, Магаданга юборилгунга қадар эркин ижод билан шуғулланди. Шоир, кези келганда, қалби шодлик нималигини билмай ўтган одамларга ачинди, изтиробларига шерик бўлиб, уларнинг руҳий кечинмаларини ўта нафис, теран фикрлари билан ўз шеърларида «моҳир рассом»дек акслантира олди.

Чақмоқ умридай ҳаёт кечирган бегуноҳ шоир темир панжаралар ортида ҳам ижодини давом эттирди. Унинг «Юрак туғёни» ва «Тутқун булбулча» шеърлари фикримиз далилидир. У ўзининг бу каби шеърларида гўзалликни тараннум этиш билан бирга, эркни, мустақилликни, озодликни баралла куйлади. Мустақиллик, адолат офтобининг нурларидан баҳраманд бўлишни орзиқиб кутди.

Шоирнинг «Нил ва Рим» шеърини эрк мадҳияси деб аташимиз мумкин: «Мана менман, у исённинг ўлмас авлоди, Мана менман, у қулларнинг ҳеч сўнмас ёди». Бу сатрлар шоир юрагининг туб тубидан отилиб чиққан. Мисралардаги оҳангдорликда озодлик, ёрқин келажакка бўлган зўр ишонч, кўтаринки руҳ, шавқу завқ бор.

Шоир 1944 йилда киндик қони тўкилган она юртидан анча олисда, Кемерово турмаларидан бирида вафот этди.

Шоир асарларининг ютуғини таъминлаган омиллардан бири унга юқтирилган истеъдоди бўлса, иккинчиси, ундаги адабиётга бўлган чексиз меҳр ва қизиқиш туфайли Шарқ ва Ғарб адабиёти тажрибаларини ижодий ўзлаштира олгани эди.

«Истеъдод шундай бир гавҳарки, у денгиз тубида, садаф ичида ҳам гавҳар. Истеъдод шундай бир зилол ирмоқки, унинг ҳар қатрасида дарёларнинг қудрати, уммонларнинг теранлиги бор. Истеъдод шундай бир гулки, унинг ҳар бир очилмаган ғунчасида чаманларнинг бўйи, таровати бор. Усмон Носир истеъдоди ана шундай гавҳар, ана шундай ирмоқ, ана шундай ғунча эди», деб ёзганди Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов.

Чақмоқдек қисқа умр кўрган шоир қалбидаги туйғулар манманлик, кибрдан нари, соф, покиза, самимиятга тўла эди. У қалбига қулоқ тутди, унга сира хиёнат қилмай, шеърлар ёзди. Ҳаётини ўз танлаган йўлда босиб ўтди...

Озурда кўнгилга таскин шуки, орадан салкам бир аср ўтса ҳам, Усмон Носир юрагидан отилиб чиққан жавоҳирлар – ҳам соҳир, ҳам мунгли, гоҳида эса ҳаётбахш, гоҳ аччиқ сатрлар вақт ва сарҳад чегараларини ёриб, шоир бир шеърида башорат қилганидек, ҳамон барҳаёт:

*Минг йиллардан кейин ҳам*
*Унутмас мени боғим.*
*Шеърларим янграб қолур...*
*Бир умрга ўлмайман.*

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА.**

## ЮРАК

Юрак, сенсан менинг созим,
Тилимни найга жўр этдинг.
Кўзимга ойни беркитдинг,
Юрак, сенсан ишқибозим.
Сенга тор келди бу кўкрак,
Севинчинг тошди қирғоқдан.
Тилим чарчар, ажаб, гоҳи
Сени таржима қилмоқдан.

Сен эй, сен — ўйноқи дилбар,
Зафардан изла ёрингни.
Тўлиб қайна, тошиб ўйна,
Тирикман, куйла борингни.
Итоат эт!
Агар сендан
Ватан рози эмас бўлса,
Ёрил, чақмоққа айлан сен,
Ёрил! Майли, тамом ўлсам!..

## ЯНА ШЕЪРИМГА

***(Сонет)***

Шеърим! Яна ўзинг яхшисан,
Боққа кирсанг, гуллар шарманда.
Бир мен эмас, ҳаёт шахсисан,
Жоним каби яшайсан манда.
Юрагимнинг дарди — нақшисан,
Қилолмайман сени ҳеч канда!

Ўт бўлурми ишқи йўқ танда?
Дардимсанки, шеърим яхшисан.
Сен орада кўприк бўлдинг-да,
Гейне билан ўртоқ тутиндим.
Лермонтовдан кўмак ўтиндим.
Бутун умрим сенинг бўйнингда.
Саҳарда қон тупурсам, майли.
Мен — Мажнунман, шеърим,
сен — Лайли!

# МУЛЬТИСПИРАЛЬ КОМПЬЮТЕР ТОМОГРАФИЯСИ
# САЛОМАТЛИК УЧУН ХАВФЛИ...МИ?

**Бугунги кунда ўзида коронавирус аломатларини ҳис этган айрим кишилар хавотирга тушиб, ўзбилармонлик билан мультиспираль компьютер томографияси (МСКТ) текширувидан ўтмоқда. Бу уларнинг саломатлиги учун хавфли бўлиши мумкин. Мутахассислар ҳам МСКТ одам организмида нурланишнинг юқори босимини келтириб чиқариши ҳақида огоҳлантиришмоқда. Шу туфайли, ҳатто коронавирус тасдиқланган бўлса-да, уни фақат шифокор тавсияси билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Фуқаролар ўзига ўзи МСКТ тайинлаш ва хусусий клиникаларда ундан ўтишдан эҳтиёт бўлиши лозим. Даволаниб бўлгандан сўнг ўпкада асорат қолган ёки қолмаганини билиш учун рентген ёки МСКТ текширувига фақат шифокор тавсияси асосида тушиш лозим. Тез-тез рентген ёки МСКТ текширувидан ўтиш соғлиққа зарардир.**

**Хўш, МСКТ ўзи нима? Унда қайси касалликларни аниқласа бўлади? МСКТнинг зарари ҳам борми?**



Мультиспираль компьютер томографияси – энг замонавий текширув ускунаси. Унинг ёрдамида ички тўқима ва органларнинг, шунингдек, организм функционал системасининг тизимли ўзгаришини визуал диагностика қилиш мумкин.

МСКТ ёрдамида бош мия, қулоқ, томоқ ва бурун, кўкрак қафаси (юрак, юрак артериялари, нафас олиш йўллари, ўпка, бронхлар, қизилўнгач ва бошқ.), қорин бўшлиғи (жигар, буйрак, ичаклар, ўт пуфаги, ошқозон, ошқозоности бези ва бошқ.), кичик тос (тухумдонлар, бачадон, бачадон найчалари, қин, простата безлари, ўт пуфаги ва бошқ.), таянч-ҳаракат аъзолари (умуртқа, бўғимлар) текширилади.

Унинг афзал томони шундаки, кам вақт талаб қилиб, аҳволи оғир бўлган ёки зудлик билан жарроҳлик муолажасини тақозо килувчи беморга қисқа вақт давомида аниқ ташхис қўйиш имконини беради. Қолаверса, текширув натижасига кўра, даволовчи шифокор муолажа усулини танлаши учун жуда қулай бўлган 2-ўлчамли ва 3-ўлчамли тасвирлар олинади.






Бу нурли ташхис бўлимининг малакали шифокорлари ушбу занжирнинг ажралмас қисмидир. Кўпчилик одамларда аппарат ўзи тасвир ҳосил қилиб, жавобини ўзи чиқариб беради, деган янглиш фикрлар мавжуд. МСКТ қурилмаси ёрдамида олинган тасвирларни тавсифлаш, баҳолаш ва хулоса бериш радиолог шифокор вазифаси ҳисобланади.

> **Ушбу текширув учун қатъий қарши кўрсатмалар йўқ. Аммо текширув рентген нурлари ёрдамида ўтказилгани боис ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳамда ёш болалар имкон қадар ундан сақлангани маъқул. Чунки ортиқча нурлар таъсири кейинчалик ўз асоратини юзага чиқариши мумкин.**

Ушбу текширув учун қатъий қарши кўрсатмалар йўқ. Аммо текширув рентген нурлари ёрдамида ўтказилгани боис ҳомиладор ва эмизикли аёллар ҳамда ёш болалар имкон қадар ундан сақлангани маъқул. Чунки ортиқча нурлар таъсири кейинчалик ўз асоратини юзага чиқариши мумкин.

**Текширув ўтказишга нисбатан қарши кўрсатмалар:**
**– ошқозон ва ичак йўлларида барий моддаси қолдиқлари борлиги (барий моддаси ёрдамида аввал ўтказилган текширувлардан сўнг);**
**– беморнинг ноадекват ҳолати (руҳий касаллар, алкоголь маҳсулотлари истеъмол қилган беморлар);**
**– тана вазни 120 кг. дан ортиқ бўлган беморлар;**
**– кучли клаустрофобия (ёпиқ жойлардан қўрқув);**
**– текширув вақтида нафас олмасдан тура олмайдиган беморлар (бир қанча МСКТ текширув усулларида бемор 5–6 сония нафас олмай туриши керак);**
**– горизонтал ҳолатда ёта олмайдиган беморлар.**

Коронавирус ташхиси учун қайси усул самаралироқ: ўпка компьютер томография текширувими ё лабораторияда тест топширишми, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Аввало, лабораториявий ташхислашдан бошлаш керак: томоқ



ва бурундан коронавирусга таҳлил олинади. Ўпка патологиясига хос шикоятлар: кучли йўтал, нафас қисилиши мавжудлигида шифокор тавсиясидан сўнг компьютер томографияси ўтказилади. Текширувлар орасидаги вақт оралиғи муҳим эмас.

МСКТ вирусли пневмонияга хос бўлган ўзгаришларни кўрсатади, бироқ бошқа ҳолатлар, масалан, сил ёки саратон касалликларида ҳам бу вирус учраши мумкинлигини унутманг.

> **Тез-тез рентген ёки МСКТ текширувидан ўтиш соғлиққа ҳам зарар ҳисобланади. Шу сабабли касалликдан сўнг организм ўзини тиклашига вақт бериш керак.**

Коронавирусга карши курашиш штаби аъзоси Барно Абдусаматова билан ўтказилган брифингларнинг бирида бу ҳақда жумладан шундай деган эди:

«Кўплаб беморларда шундай ҳолат кузатиляптики, стационарда даволаниб чиққандан атиги бир ҳафта ўтгач, дарров ўпкани рентген ёки МСКТ текширувидан ўтишяпти. Текширувдан ўтгач, ўзгариш бўлмагани ҳақида шикоят қилиб шифокорга мурожаат қилишяпти. Аслида, пневмония илк аниқланган даврда ўпкада жараён қандай кечаётганини билиш учун МСКТ ёки рентген текширувидан ўтилади. Шундан сўнг 25–30 кундан кейингина бу текширувлардан яна ўтиш мумкин. Шунда ўпкада асорат қолгани ёки қолмаганини билиш мумкин бўлади.

Рентген ёки МСКТ текширувига фақат шифокор тавсияси асосида тушишингиз лозим. Тез-тез рентген ёки МСКТ текширувидан ўтиш соғлиққа ҳам зарар ҳисобланади. Шу сабабли касалликдан сўнг организм ўзини тиклашига вақт бериш керак. Диспансеризация давомида, керак бўлса, шифокор ўзи сизга рентген ёки МСКТ текширувидан ўтишни тавсия этади».

Касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал, дейишади. Ҳақ гап. Ўзингиз ва яқинларингиз соғлиғига беэътибор бўлманг. Унутманг, карантин ҳали тугамади, балки унинг чоралари енгиллаштирилди, холос. Шундай экан, ҳар биримиз карантин қоидаларига риоя қилишда, жумладан, ниқоб тақиш ва одамлар билан ўзаро мулоқотда ижтимоий масофани сақлашда ўрнак бўлайлик.

**Нодир МАГЗУМОВ,**
**ИИВ Марказий госпитали диагностика бўлими МСКТ хонаси шифокори, радиолог.**

ПОДРАЗДЕЛЕНИЕ БЕССТРАШНЫХ



# Во главе угла – профессионализм

**В Андижане личный состав мобильного отряда оперативного назначения (МООН) завершил комплекс практических тренировок в полевых условиях. В рамках занятий спецназовцы отработали задачи боевой, физической, инженерной подготовки, тактические действия, навыки готовности к поиску вооруженных преступников в горной, лесистой, пересеченной, труднопроходимой местности.**



С бойцами МООН также проводились практические занятия по топографической подготовке. Их учили вычислять местонахождение людей, ориентироваться на незнакомой территории, эвакуировать пострадавших с помощью современных технических средств.

Перед спецназовцами была поставлена учебно-боевая задача по поиску и задержанию группы вооруженных преступников в условном населенном пункте.



Занятия завершились комплексными боевыми стрельбами с использованием техники и различных видов оружия. Поставленные перед личным составом МООН задачи были выполнены в полном объеме.

– Мобильность – одно из важнейших условий успешного выполнения поставленных перед подразделением задач, – говорит командир МООН УВД Андижанской области подполковник Мансурбек Валиев. – От того, насколько быстро бойцы смогут прибыть на место, зависит, будут ли пресечены противоправные действия, задержаны лица, подозреваемые в преступлении, оказана первая помощь пострадавшим.

Личный состав привлекается к проведению специальных операций по пресечению терроризма, экстремизма, изъятию незаконно хранящегося оружия, боеприпасов, взрывчатых и наркотических веществ, прикрытию постов ДПС и оперативных групп органов внутренних дел.

Подразделение оснащено различными видами транспорта, в том числе бронеавтомобилями «Тигр», современными средствами связи, специальным вооружением.

Здесь созданы все условия для активной службы и плодотворного отдыха личного состава МООН. В спальных помещениях кубрикового типа располагаются по два-три человека. Имеются комната психологической разгрузки, обширная библиотека, учебные классы, зал для проведения занятий по духовности и просветительству, спортивный зал с тренажерами, плавательный бассейн.

Спецназовцы в свободное от службы время активно занимаются физкультурой и спортом. Они участники всех соревнований, которые проводятся среди сотрудников силовых структур области. Им нет равных в таких видах спорта, как рукопашный бой, самбо, боевое самбо и восточные единоборства.

Недавно в Андижане проходили соревнования по рукопашному бою среди сотрудников силовых структур. В командном зачете спортсмены отряда заняли первое общекомандное место. В личном зачете золотые медали завоевали сержанты Арслон Кодирбеков (70 кг), Элдор Тургунов (75 кг), Омад Абдурахманов (80 кг) и Аббос Холиков (+90 кг).

В рамках программы патриотического воспитания молодежи личный состав МООН проводит в школах и лицеях выставки вооружения, специальных средств, техники. В ходе встреч бойцы рассказывают ребятам о службе, о том, какие задачи выполняют по сохранению мира и спокойствия в стране.

В подразделении широко развита школа наставничества. Молодые сотрудники, направленные из других подразделений в МООН, закрепляются за опытными бойцами, которые в процессе совместной службы передают наработанный опыт, делятся навыками рукопашного боя и применения табельного оружия.

Во время объявленного в связи с пандемией карантина спецназовцы дежурили на постах, охраняли медицинские учреждения, где лечили COVID-19. Для дезинфекции улиц, зданий, мест скопления людей широко применялись две водометные автомашины.

МООН – кузница профессиональных, готовых в любой момент прийти на выручку кадров.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
*Андижанская область.*

***На снимках:*** *будни личного состава МООН УВД Андижанской области.*

**Фото автора.**





ДОВОНДАН РЕПОРТАЖ





# БУЛУТЛАРГА ЁНДОШ,



**Довонда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этиш ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари, хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимлари зиммасига улкан масъулият юклайди. Буни теран ҳис қилган соҳа ходимларининг ўз бурчларини сидқидилдан адо этаётгани тинчлик-хотиржамлигимиз кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.**

Тошкент вилояти Оҳангарон туманининг еттита қишлоғини ўз ичига олган «Чинор», «Четсув» ва «Кўксарой» маҳалла фуқаролари йиғинлари довон йўлида жойлашган. Туман ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими 205-сонли марказлашган ички ишлар органи таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Аброр Маматалиев, профилактика инспекторлари, капитан Шерзод Бўриев ва катта лейтенант Муҳриддин Азимов ҳудуд осойишталигига масъул.

– Қамчиқ довони ҳудудида истиқомат қилувчи 8416 нафар аҳолининг 80 фоизи давлат корхона-ташкилотларида ишлайди, – дейди профилактика катта инспектори, майор Аброр Маматалиев. Ҳудуднинг 22 километри Наманган вилояти, 28 километри эса қўшни Тожикистон Республикаси билан чегарадош. Ички ишлар органлари соҳавий хизматлари, жамоатчилик вакиллари ва бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамкорлигида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар осойишталикни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда. Кўриб турганингиздек, довонда кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. Бу биздан ҳушёрликни бир лаҳза ҳам йўқотмасликни талаб этади.

Қамчиқ довонини транспорт воситалари ҳаракатисиз тасаввур қилишнинг иложи йўқ. Шундай экан, бир кунда қанча транспорт воситаси ҳаракатланиши кўпчиликни қизиқтириши табиий.

– Бир кунда ўртача 18000 тагача транспорт воситаси ўтиб қайтади, – дейди «Чинор» ЙПХ масканида фаолият олиб бораётган Тошкент вилояти ИИББ иккинчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори, кичик сержант Жамолиддин Абдураҳмонов. – Йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, йўлларда тартиб-интизомни таъминлаш зиммамиздаги асосий вазифалардан саналади. Шу боис ҳайдовчиларга тезликни оширмаслик, ҳушёрликни йўқотмасликлари бўйича зарур тавсияларимизни бериб борамиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 29 йиллиги муносабати билан тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, шунингдек, хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик намуналарини кўрсатган бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари давлат мукофотлари билан тақдирланди. Улар орасида Тошкент вилояти ИИББ иккинчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори, кичик сержант Жамолиддин Абдураҳмонов ҳам бор.

– Халқимизнинг оғир кунларида камарбаста бўлиш қадим қадриятларимиздан, – дейди «Шуҳрат» медали соҳиби, кичик сержант Ж. Абдураҳмонов. – Бугун бундай юксак мукофот бошқа соҳалар қатори, кўплаб мард ва жасур ички ишлар органлари ходимларининг кўксини безаб турибди. Улар сафида эканлигимдан чексиз фахр ҳиссини туяман, албатта. Бу мукофотда она Ватанимиз тинчлигини таъминлаш йўлида мен билан елкама-елка туриб хизмат қилаётган барча ҳамкасбларимнинг ҳақли равишда улуши бор.

Йўлларда турли ёшдаги ҳайдовчиларни учратиш мумкин. Улар орасида ёшлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Табиийки, ёшлар тажрибали ҳайдовчиларга нисбатан қизиққон бўлади, уларда манзилга тезроқ етиб бориш истаги устунлик қилади. Бу эса йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлиши мумкин.

Йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ мисолларга мурожаат қиладиган бўлсак, шу йилнинг 13 февраль куни тонгги соат 5 ларда Наманган вилояти Чуст туманида истиқомат қилувчи, 1992 йилда туғилган фуқаро Х.К. ўзига тегишли бўлган «Кобальт» русумли автомашинасида Оҳангарон туманининг «Четсув» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидан ўтувчи А-373 «Тошкент–Ўш» автомобиль йўлининг 190-километрида Тошкентга кетаётган вақтда рулни бошқаролмай қолади. Натижада машина ағдарилиб кетади ва йўловчилар ичида бўлган 2017 йилда туғилган қизалоқ З.А. тан жароҳати олади...

Орадан икки кун ўтиб, Чуст туманида яшовчи яна бир фуқаро, 1993 йилда туғилган А.Н. «Спарк» автомашинасида мазкур йўлнинг 196-километрида бошқарувни йўқотиб, темир бетон тўсиққа урилади. Бу йўл-транспорт ҳодисасида ҳам бир фуқаро, оҳангаронлик, 1980 йилда туғилган Х. Г. тан жароҳати олади.

Айнан ўхшаш ва бир пайтда содир этилган йўл-транс-



**Оҳангарон тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими 205-сонли марказлашган ички ишлар органи таянч пункти профилактика катта инспектори, майор Аброр Маматалиев ҳамда профилактика инспектори, катта лейтенант Муҳриддин Азимов аҳоли муаммоларини ўрганмоқда.**

# ОСМОН ОСТИДА...




Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ отряди 1-сафарбар гуруҳи катта инспектори, сержант Исроил Ботиров ҳамда гуруҳ инспектори, сафдор Паҳлавон Дадабоев хизмат пайтида.

порт ҳодисалари билан боғлиқ мисолларни бежиз келтирмадик. Психологларнинг фикрича, тиниқиб ухламаслик оқибатида организм кун давомида чарчоқ ҳолатида бўларкан. Шунингдек, саҳар вақти, ҳеч бўлмаганда, бир соат мизғиб олиш, кундузги 3–4 соатлик уйқунинг ўрнини босаркан.

Ҳайдовчи рулга ўтирар экан, аввало, ўзидан ташқари, машинадаги бошқа йўловчиларнинг ҳаётига ҳам масъул эканлигини унутмаслиги керак. Зеро, йўлларда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Албатта, бундай ҳолатларда ҳайдовчи қилмишига яраша жазо олиши муқаррар, лекин инсон ҳаёти билан бу тарика «ҳазиллашиш»ни ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди.

– Йўл қоидани ёқтиради, деган гап жуда топиб айтилган, – дейди фикримизни англагач, ўзини Сардор Мелиев деб таништирган 48 ёшли андижонлик ҳайдовчи. – Бундай ҳолатда, албатта, ҳайдовчиларни оқлаб бўлмайди. Аммо баъзида йўловчиларнинг «Неча соатда етиб борамиз», деган саволига рўбарў келамиз. Табиийки, ҳар хил характердаги инсонлар бор. Бу гоҳида йўловчиларнинг хоҳиш-истагига кўра, уларни тезроқ манзилига етказиб бориш билан ҳам боғлиқ. Чунки мижозни йўқотмаслик учун бу шартга кўнадиган ҳайдовчилар ҳам кўп. Аммо йўловчилар орасида озгина чарчаганингизни сезиши ҳамон, мизғиб олишни тавсия қиладиганлари ҳам бор...

– Мутахассисларнинг айтишича, бу ер юзидаги энг кичик ўсувчи тоғ экан, – деди ҳамроҳимиз, профилактика инспектори, катта лейтенант Муҳриддин Азимов ҳайратимизни сезгандай. – Олимлар келиб, илмий тадқиқотлар ўтказади, телевидение орқали ҳам бу тўғрида кўплаб кўрсатувлар берилган. Бу хорижлик сайёҳлар, мутахассисларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти.



Тошкент вилояти ИИББ иккинчи минтақавий ҳудуд йўл-патруль хизмати отряди инспектори, «Шуҳрат» медали соҳиби, кичик сержант Жамолиддин Абдураҳмонов




Довон бўйлаб юрар экансиз, «Кўксарой» маҳалла фуқаролар йиғинидаги Эртош қишлоғи яқинида жойлашган асалари уялари эътиборингизни тортади. Бу ерда Наманган вилоятининг Чуст туманида яшовчи Йўлдошбой ота Мирзанаров фарзандлари ҳамда набиралари билан асаларичилик билан шуғулланаман.

– Асал кони фойда бўлиб, мана шу 70 та уяда 150 та асалари оиласи бор, – дейди Йўлдошбой ота. – Юртдошларимиздан ташқари, хитойлик, япониялик ва бошқа мамлакат вакиллари бу ерда тўхтаб ўтади. Улар айниқса, седанали, қуритилган мевалар ва бошқа турли гиёҳлар қўшилган асалларни хуш кўришади.



– Асаларичилик бизга бобомерос, – дея суҳбатга қўшилди Йўлдошбой отанинг ўғли Мираббос. – Фарзандларимиз ҳам ҳозирдан шу ҳунарни ўрганяпти. Кўриб турганларингиз, ёнғоқ ва бошқа турли дарахтлар сони



100 дан ортиқ. Уларнинг ҳаммасини отамнинг тавсиясига кўра, томчилаб суғориш орқали парваришлаймиз.

Дарахтларни томчилаб суғориш орқали парвариш қилаётган бу меҳнатсевар ва аҳил оиланинг ибратли ишлари кишини қувонтиради. Электр энергияси узатиб берувчи қуёш батареяси, самога бўй чўзаётган митти дарахтлар ва тозаликни кўриб, излаган имкон топади, деган фикр хаёлингиздан ўтади.

Кўксарой қишлоғидан ўтарканси, сойлик ўртасида жойлашган мўъжазгина қояларга кўзингиз тушади.

– Мутахассисларнинг айтишича, бу ер юзидаги энг кичик ўсувчи тоғ экан, – деди ҳамроҳимиз, профилактика инспектори, катта лейтенант Муҳриддин Азимов ҳайратимизни сезгандай. – Олимлар келиб, илмий тадқиқотлар ўтказади, телевидение орқали ҳам бу тўғрида кўплаб кўрсатувлар берилган. Бу хорижлик сайёҳлар, мутахассисларни ҳам бефарқ қолдирмаяпти.

«Қамчиқ» довонида йўловчилар тўхтаб, атрофни томоша қиладиган хушманзара жойлар жуда кўп. Шундай жойлардан бири, шубҳасиз, 233-километрдаги машҳур «Бургут» масканидир. Бу ерда Наманган вилояти ИИБ ЙҲХБ ЙПХ отряди 1-сафарбар гуруҳи катта инспектори, сержант Исроил Ботиров ҳамда гуруҳ инспектори, сафдор Паҳлавон Дадабоев йўл ҳаракати хавфсизлигига масъул этиб бириктирилган.

– Она табиатнинг нодир ва ноёб жонзотларидан бўлган бургут ва кийикнинг виқорли ҳайкаллари кишида қандайдир ўзига бўлган ишончни оширади, – дейди сержант Исроил Ботиров. – Водийга ёки Тошкентга бориб қайтаётган йўловчиларнинг деярли ҳаммаси бу ерда бироз тўхтаб, табиат гўзаллигидан баҳра олишни яхши кўради. Шу боис йўлнинг бошқа қатнов қисмига қараганда, бу ерда ҳайдовчилардан жуда ҳушёр бўлиш талаб этилади.

Дарҳақиқат, шундай. «Бургут» масканида муздай булоқ сувидан ичиб, чанқоғингизни қондириш билан бирга, тоғда ўсувчи ҳар хил шифобахш гиёҳлар ва бошқа маҳсулотлардан харид қилишингиз ҳам мумкин. Пастга қарасангиз, тоғ ён бағри бўйлаб ҳаракатланаётган автомобиллар ҳам она табиат гўзаллигига ўзгача тароват бағишлаётгандек туюлади...

Ортга қайтарканмиз, мамлакатимизда нафақат юртдошларимиз, ҳатто хорижлик сайёҳларга ҳам завқ улашиб, уларнинг ҳайратига сабаб бўлувчи масканлар жуда кўплигига ишонч ҳосил қилдик. «Қамчиқ» довони она юртимизнинг ана шундай муҳим ва ажралмас бўлагидир.

**Шерзод АБДУСАМАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар.**

СЛУЖБА ПАТРУЛЬНО-ПОСТОВАЯ

# ЗАДЕЙСТВОВАНЫ ВСЕ СИЛЫ И ВОЗМОЖНОСТИ

**В целях обеспечения благополучной санитарно-эпидемиологической обстановки и охраны здоровья населения в стране, с момента проникновения вируса в нашу жизнь, осуществлена многогранная, широкомасштабная работа. С начала пандемии к борьбе с данным злом, ставшим причиной гибели и болезни сотен людей, были привлечены все силы и возможности. Вспомним, как в начале карантина сотрудники органов внутренних дел, невзирая на опасность и угрозу самим стать жертвами болезни, бесстрашно несли службу, оставаясь верными Присяге.**








Стоит отметить, что на сегодня для контроля над передвижением транспортных средств по республике в общей сложности создано более 500 постов ДПС, блокпостов и временных постов, на службу привлекаются сотрудники подразделений ППС. В период карантинных мероприятий, с целью обеспечения общественного порядка и безопасности, создавались маршрутные авто- и пешие патрули. Сотрудники ППС привлекались также к деятельности по охране общественного порядка и безопасности в лечебных заведениях.

Немаловажную роль в деле предупреждения правонарушений играла и играет, безусловно, агитационно-пропагандистская работа среди населения. Каждый из нас невольно становился свидетелем того, как сотрудники, находясь в многолюдных местах, предупреждали, напоминали о карантинных порядках, настаивали, чтобы все носили маски, придерживались правил социальной дистанции. Тем временем, в средствах массовой информации вовсю шли видеоролики, материалы агитационного характера, подготовленные сотрудниками службы.

Хотя многие требования карантинных порядков смягчены, расслабляться еще рано, потому как коронавирусная инфекция бродит по миру и пока, видимо, не собирается покидать нас. Поэтому очень важно соблюдать все меры предосторожности.

**Азиза ЖАНИЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Икрома ХАСАНОВА.**

ГРАНИ МАСТЕРСТВА

# Счастье – это когда и на работе, и дома хорошо

**Следователь по особо важным делам СУ при ГУВД г. Ташкента подполковник Асия Ахмедова – мастер своего дела. Стать одним из лучших специалистов среди столичных следователей, значит обладать незаурядными способностями, богатым служебным опытом, целеустремленностью. Такое, конечно же, дано не каждому. Желание стать профессионалом подвигло героиню нашего повествования к достижению высоких результатов в работе.**



В начале своего становления А. Ахмедова выбрала совсем иной путь – учебу в Ташкентском государственном институте востоковедения. Однако вскоре талантливая и перспективная студентка изменила решение и в 1999 году поступила в Академию МВД Республики Узбекистан. Наверное, это судьба, и пусть восточные языки, культура и обычаи теперь стали лишь увлечением, но в системе, обеспечивающей правопорядок и законность, точно на одного профессионала стало больше.

Асия Ахмедова с отличием окончила бакалавриат, а после получила степень магистра по экспертно-криминалистической деятельности. В 2005 году она пришла в следственный отдел Мирабадского РУВД (ныне УКД ОВД Мирабадского района) столицы. Коллектив встретил новичка с подобающей теплотой и заинтересованностью. Первым ее наставником стал опытный следователь Исмоил Якубходжаев. Специалист высокого уровня, образованный и весьма компетентный, он многому научил Асию Ахмедову, помог освоиться, приобрести необходимые навыки, раскрыл тонкости и нюансы следственной работы.

– Требовательный и строгий, Исмоил ака Якубходжаев всегда был готов помочь словом и делом, – делится воспоминаниями подполковник А. Ахмедова. – Он воспитал во мне чувство ответственности за порученное дело, я искренне ему благодарна.

Ныне подполковник Асия Ахмедова работает по линии международного следственного сотрудничества. В ее обязанности входит рассмотрение международных поручений, поступивших из стран СНГ и дальнего зарубежья, а также оказание правовой помощи и содействия сотрудникам следственных подразделений г. Ташкента в подготовке и направлении запросов для проведения следственных действий на территории зарубежных стран. Помимо многих других аспектов деятельности, в круг ее обязанностей входит подготовка пакета документов об экстрадиции в Узбекистан лиц, которые находятся в международном розыске. Также она ведет учет уголовных дел по преступлениям, совершаемым иностранными гражданами на территории столицы. Работа эта сложная, многогранная, ответственная и кропотливая, но Асия Ахмедова справляется с высокой результативностью, так что за порученное ей дело руководство Следственного управления может быть спокойным.

Как известно, рабочий день следователя ненормирован и над уголовными делами иной раз приходится засиживаться допоздна, а потому Асию Ахмедову с нетерпением ждут домочадцы, особенно доченька Амира, которой уже исполнилось четыре года. Мама для нее – самая лучшая на свете, в ней она души не чает. Ну, а когда все хорошо на работе и дома, разве это не счастье?

**Георгий ПЕТРОСЯН,**
**корреспондент «На посту».**

ОХРАННЫЙ ОРДЕР

# Обеспечиваются права женщин



**Сотрудники отдела по вопросам женщин УПП УВД Бухарской области совместно с психологами, представителями Управления по поддержке махалли и семьи, других партнерских организаций ведут работу по защите прав женщин, в частности пожилых и одиноких, тех, чьи семьи находятся на грани развода, с несовершеннолетними девушками, устраняют возникающие конфликты.**

В процессе работы состоялась беседа с матерью двоих детей Ф. М., 1981 года рождения, проживающей в г. Бухаре. Оказалось, что ее постоянно оскорблял и унижал муж.

Фозила подвергалась физическому и психологическому давлению, так как супруг не работал и имел пристрастие к алкоголю. Для защиты женщине был выдан охранный ордер сроком на 1 месяц. Установленные требования были подробно разъяснены семейной паре, мужчине указано на неотвратимость ответственности в случае их нарушения.

В ходе мероприятий, проведенных в Ромитанском районе, стало известно, что Ф. Р., 2003 года рождения, проживающая в МСГ «Вобкент» Вобкентского района, и У. Р., 2002 года рождения, проживающий в МСГ «Самосий» Ромитанского района, не достигнув брачного возраста, несмотря на запреты родителей, стали жить вместе без заключения официального брака. Компетентные работники обсудили сложившуюся ситуацию с членами семьи юноши и девушки. Соответствующие документы были направлены в прокуратуру. Девушку определили в общеобразовательную школу № 26.

На основании жалобы жительницы махалли Работикалмок Бухарского района С. Ч., рабочая группа посетила ее дом и выяснила, что между заявительницей и ее родственниками возник жилищный спор. Обращение С. Ч. направили в суд. Сторонам было дано подробное разъяснение об ответственности в случае совершения противоправных действий или оказания давления на женщину.

Мероприятия по защите прав женщин реализуются во всех районах области.

**Мирзокул АХАДОВ,**
**корреспондент «Postda».**
*Бухарская область.*

# КРИМИНАЛЬНАЯ ХРОНИКА

## В Караулбазаре задержаны лица, совершившие кражу

В ОВД Караулбазарского района с заявлением обратился 44-летний житель Мубарекского района Кашкадарьинской области С. М., работающий в ООО «Коровулбозор Коракулчилик». В заявлении он пояснил, что 16 октября, в промежутке между 20.00 и 21.00 часами, неизвестные, сломав замок двери амбара полевого стана, принадлежащего ООО, незаконно проникли и похитили 200 кг цемента стоимостью 160 тысяч сумов, 300 кг ячменя стоимостью 690 тысяч сумов и нерабочий мотоцикл марки «Иж Планета-5» стоимостью 7 800 000 сумов.

По данному факту следственной группой при ОВД Караулбазарского района возбуждено уголовное дело по статье 169 («Кража») Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

В ходе проведенных оперативных мероприятий стало известно, что данное преступление совершил 30-летний житель махалли Помук Миришкорского района Н. А. и его 35-летний сосед Ш. А., у которых были изъяты вещественные доказательства.

## В Сырдарьинском районе задержали продавца наркотиков

Сотрудниками УУР УВД Сырдарьинской области в ходе оперативного мероприятия, проведенного на территории махалли Камолот Сырдарьинского района, задержан гражданин С. Г. в момент реализации за 5 миллионов сумов и 650 долларов США наркотического средства в литровой стеклянной банке. Как установил ЭКО, реализованное вещество было марихуаной весом 91 грамм.

По данному факту в отношении гражданина С. Г. возбуждено уголовное дело по части 5 статьи 273 Уголовного кодекса, ведутся следственные действия.

## В Намангане ДТП стало причиной гибели пешехода

В полночь на 25-м километре автомобильной дороги «Хаккулабад–Чужа» водитель автомобиля «Дамас», не справившись с управлением, совершил наезд на пешехода, пересекавшего проезжую часть.

В результате дорожно-транспортного происшествия пешеход, получив тяжкие телесные повреждения, скончался в больнице.

По данному факту следственным отделением при районном ОВД возбуждено уголовное дело по части 2 статьи 266 Уголовного кодекса Республики Узбекистан.

**По материалам пресс-службы МВД Республики Узбекистан.**

АКТУАЛЬНО

# Аферисты не сидят на месте



**В современном мире стремительно развиваются средства коммуникации, которые делают нашу жизнь комфортнее, а многие вещи – доступнее. Однако любую технику можно применить не только во благо.**

В последнее время в органы внутренних дел все чаще поступают заявления о преступлениях, совершенных в сфере информационно-коммуникационных технологий. Мошенники не отстают от прогресса, совершенствуют методы и для своих целей с удовольствием используют всемирную сеть и мобильную связь.

Наверняка вы встречали в интернете или видели по телевизору сюжеты о том, как мошенники разными способами обманывают людей и снимают деньги с пластиковых карт. Но думали ли вы, что это может коснуться вас? Видимо, нет, а задуматься стоило бы!

Тема мошенничества на сайтах купли-продажи стала в настоящее время особо популярной.

Так, 20 октября в ГУВД г. Ташкента обратилась 36-летняя Луиза К., которая рассказала стражам правопорядка, что выставила объявление на сайте о продаже детской коляски. Некий Алексей под видом покупателя написал в «Телеграмме», что ему очень понравилась коляска, он хочет приобрести товар и не станет оспаривать цену. Но вот незадача, в данный момент находится в области, поэтому может через сайт оформить двусторонний договор, который гарантирует получение денег и отправку товара. Все, что нужно было сделать девушке, – пройти по ссылке и заполнить договор на получение средств. Луиза, не подозревая, прошла по ссылке, увидела данные покупателя, его адрес – все как полагается – и внесла данные своей карты. Покупатель попросил сообщить код-подтверждение, пришедший на номер ее телефона, чтобы «произвести оплату» по пластиковой карте. В итоге мужчина не только не перечислил деньги, а, наоборот, снял с карты Луизы К. один миллион сумов, а затем удалил всю переписку.

Как утверждают сотрудники органов внутренних дел, это не единичный случай. Основная причина подобных правонарушений – излишняя доверчивость граждан. Поэтому при покупке или продаже товаров никогда не сообщайте PIN-код банковской карты, срок ее действия и свои персональные данные. Для зачисления средств на ваш счет достаточно лишь 16-значного номера, указанного на лицевой стороне карты.

Наивно предполагать, что жертвами злоумышленников становятся лишь пожилые люди – на удочку криминальных элементов может попасть абсолютно каждый.

**Соб. корр.**

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ АХБОРОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ОИЛА ФАРОВОНЛИГИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Яқинда Термиз шаҳрида Миллий гвардиянинг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасида хизмат олиб бораётган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари иштирокида «Аёллар бандлигини таъминлаш – оила фаровонлигининг муҳим таянчи» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

Термиз давлат университети ўқитувчилари, Бандликка кўмаклашиш маркази мутахассислари ҳамда манфаатдор ташкилотлар ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда, аввало, оила мустаҳкамлигини таъминлаш, уни асраб-авайлашда аёлларнинг масъулиятини кучайтириш, фарзандлар тарбиясига жиддий эътибор қаратиш, уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари атрофлича муҳокама этилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг айни пайтда уй-рўзғор юмушлари билан машғул бўлаётган аёлларини доимий ишга жалб этиш, касб-ҳунар ўрганишларига кўмаклашиш, олий таълим муассасаларига ўқишга тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. Учрашувда тегишли мутахассисликка эга, аммо ҳозирда ишсиз бўлган хотин-қизларнинг мурожаатлари тингланиб, бандлигини таъминлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ташкил этилган бўш иш ўринлари «меҳнат ярмаркаси»да иштирокчилар мавжуд иш ўринлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлишди. Тегишли йўналиш мутахассислари томонидан уларни қизиқтирган соҳаларга йўлланмалар берилди. Натижада ўндан ортиқ аёллар бандлиги таъминланди. Улардан 4 нафари ҳудудий тиббиёт муассасаларига ҳамшира, 3 нафари эса мактабгача таълим муассасаларига ёрдамчи тарбиячи сифатида ишга қабул қилинди.

## ШОҲСУПАДА – МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ СПОРТЧИЛАРИ

Жорий йилнинг 31 октябрь – 7 ноябрь кунлари пойтахтимизда бокс бўйича катталар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Мазкур мусобақада Токио олимпиадаси йўлланмаси соҳиблари Бобоусмон Ботуров, Санжар Турсунов, Турсуной Раҳимова каби Миллий гвардиянинг етакчи боксчилари рингга кўтарилди.



Аёллар ўртасидаги финал баҳсларида 51 кг вазн тоифасида Турсуной Раҳимова Феруза Казаковани мағлуб этиб, чемпионлик унвонини қўлга киритди. 60 кг вазн тоифасида эса Райҳона Қодирова сурхондарёлик Дилфуза Бековага қарши баҳс олиб бориб, ғолиб чиқди. 75 кг вазн тоифасида Навбаҳор Ҳамидова Соҳиба Рўзметовага қарши жанг қилиб, ғалаба нашидасини сурди.

Эркаклар ўртасидаги баҳслар ҳам жуда қизғин ўтди. Рингга кўтарилган 4 нафар Миллий гвардия спортчиларининг барчаси рақибларини доғда қолдириб, финал босқичига йўлланмага эга бўлди. 63 кг вазн тоифасида Асадхўжа Мўйдинхўжаев ва Алиёр Норалиев баҳсида рақибнинг олган тан жароҳати оғир деб топилиб, Асадхўжа финал ғолиби дея эълон қилинди. 69 кг вазн тоифасида Бобоусмон Ботуров Жавлонбек Йўлдошевга қарши рингга кўтарилиб, тажриба бобида анча устун эканлигини исботлади ва ғалаба нашидасини сурди. 81 кг вазн тоифасида Дилшодбек Рўзметов Темурхон Собуровни мағлуб этди. 91 кг вазн тоифасида Санжар Турсунов муросасиз беллашувда рақиби Мадиёр Саидраҳимовга мағлуб бўлди.

## КУН ТАРТИБИДА – ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ



Миллий гвардиянинг Халқаро ҳамкорлик бошқармаси томонидан пандемия шароитида хорижий шериклар билан икки томонлама муносабатларни фаоллаштириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг 6 ноябрь куни Америка Қўшма Штатлари Федерал қидирув бюроси (ФҚБ)нинг минтақавий вакили Дон Шульц билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси хавфсизлик масалалари бўйича минтақавий офицери Р.Соммервил ва унинг катта ёрдамчиси Р.Ишметов ҳам иштирок этишди.

Миллий гвардия Халқаро ҳамкорлик бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, полковник Н. Муинова ўзаро мулоқот чоғида сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси ва АҚШ ўртасида кенг миқёсли стратегик ҳамкорлик муносабатлари янги босқичга кўтарилганини қайд этиб, бу Миллий гвардия ва АҚШнинг ҳарбий ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади.

Ўз навбатида, ФҚБнинг минтақавий вакили Д. Шульц самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Миллий гвардия қўмондони бошчилигидаги делегациянинг 2019 йилнинг июнь ойида ФҚБ Академиясига ташрифи давомида кадрлар тайёрлаш, ўқув семинари ва курсларини ташкил этиш бўйича келишувга эришилганини қайд этиб, икки томонлама ҳамкорликни амалий босқичга олиб чиқиш учун тайёр эканлигини маълум қилди.

Учрашув давомида томонлар Миллий гвардия ҳарбий хизматчиларининг илғор хорижий тажриба асосида малакасини ошириш, ҳамкорликда ўқув тадбирларини ташкил этиш, таълим муассасалари ўртасида алоқа ўрнатиш каби масалаларда ҳамкорлик истиқболларини муҳокама қилишди. Дўстона ва самарали ўтган учрашув якунида томонлар келгусида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳаларни белгилаб олишди.

## ФИРИБГАРНИНГ РЕЖАСИ АМАЛГА ОШМАДИ



Бугунги кунда Миллий гвардия тизимида хизмат қилиш истагида бўлган ёшларни саралаб олиш жараёнида шаффофликни таъминлаш мақсадида соҳада қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ айрим содда юртдошларимиз қинғир йўллар билан мақсадга эришишни кўзлаб, «ишга киритиб қўяман» деб ёлғон ваъдалар берувчи фирибгарларнинг тузоғига тушиб қолмоқда.

Яқинда Термиз шаҳри Боғишамол маҳалласида яшовчи фуқаро И.М. Миллий гвардиянинг Сурхондарё вилояти бўйича бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. У Э.А. исмли шахс 2 нафар қариндошини Миллий гвардия ва ички ишлар органларига ишга киритиб қўйишни ваъда бериб, ҳар биридан 1000 АҚШ доллари миқдоридаги пул талаб қилаётганини баён этиб, ушбу шахсга нисбатан қонуний чора кўришни сўраган.



Ҳолат юзасидан Миллий гвардия ҳамда ички ишлар органлари ходимлари ҳамкорлигида ўтказилган тезкор тадбирда, Термиз шаҳри Паттакесар маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро А.Э. шаҳарнинг Ўзбекистон маҳалласи Маданият кўчаси ҳудудида аризачидан 1000 АҚШ доллари ҳамда 1 миллион сўм миқдоридаги пулларни олаётган вақтда ашёвий далиллар билан ушланган. Ҳозирда мазкур ҳолат бўйича суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Эътибор ШИРАЕВА,**
**лейтенант.**

## ЗАРУР КЎРСАТМА ВА ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Инсон соғлом юргандагина бахтли яшаши мумкин. Саломатликни мустаҳкамлашнинг ягона, энг тўғри йўли соғлом турмуш тарзи эканлигини оила аъзоларимизга тушунтириш ҳар биримизнинг бурчимиз. Тиббий кўрик эса касалликларни эрта аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шу сабабли Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти ташаббуси билан жорий йилнинг 3–4 ноябрь кунлари Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 40-сонли оилавий поликлиникада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари малакали шифокорлар томонидан карантин қоидаларига риоя қилинган ҳолда, чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрик давомида ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига оилавий поликлиниканинг малакали мутахассис шифокорлари томонидан зарур кўрсатма ва тавсиялар берилди.

Шунингдек, ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари институт психологи, капитан, Ў.Раҳимов билан суҳбатлашиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Бу каби тиббий кўриклар ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигини сақлашда муҳим омил ҳисобланади.

**Нозима МАҲМУДОВА,**
**лейтенант.**

САЛОМАТЛИК САБОҚЛАРИ

# «ЁШЛИК ЭЛИКСИРИ»

**Маълумки, осойишталик посбонлари орасида ҳам ортиқча вазнга эга бўлган ва бу муаммодан халос бўлишни истаган ходимлар бор. Бу мақсадни амалга оширишнинг кўпгина йўллари ва усуллари бор, албатта. Лекин бу борада ижобий самара берадиган сут зардоби ҳақида ҳар ким ҳам маълумотга эга бўлмаса керак.**

Табиийки, ҳар бир инсон ўз териси, соч ва тирноқлари доимо соғлом кўринишини, ортиқча вазнсиз, ихчам бўй-бастга эга бўлишни истайди. Бироқ бундай натижага эришиш учун кўп вақт, маблағ, шунингдек, куч ва сабр талаб этилади. Шундай дамда энг арзон ва уй шароитида тайёрлаш мумкин бўлган сут маҳсулоти, яъни зардобнинг фойдали хусусиятларини ҳам унутмаслик лозим. Ахир, бежиз уни «ёшлик эликсири» деб аташмаган-ку...

Йиллар давомида мутахассислар ушбу табиий маҳсулотнинг мўъжизакор таъсири ҳақида кўплаб маълумотлар тўплашган. Хўш, сут зардоби нима ва унинг инсон организмига қандай фойдаси бор?

**Аслида у творог ёки пишлоқ тайёрланганидан сўнг қоладиган суюқлик бўлиб, энг аҳамиятлиси, унинг таркибида ёғ қолмайди. Зардобнинг 95 фоизини сув, қолган қисмини қимматли ва фойдали моддалар, жумладан, калий, кальций, магний, фосфор, оқсил, лактоза, деярли ҳамма тузлар, шунингдек, В гуруҳидаги барча витаминлар ташкил этади.**

Агар ҳар куни бир стакандан сут зардобини ичишни одат қилсангиз, бир неча ҳафта ичида иммунитетни анчайин мустаҳкамлаб, организмнинг умумий жисмоний ва руҳий ҳолатини яхшилашга эришасиз.

Асосийси, шуни унутмаслик керакки, зардоб енгил сурги хусусиятига эга. Шунинг учун уни аввал кам-камдан ичиб, организмни ўргатиш, зардоб истеъмолини уйдан ташқарида катта ишлар режалаштирилмаган кунларда бошлаш тавсия этилади.



Бундай маҳсулот ортиқча вазнга эга бўлган инсонлар учун ҳақиқий нажот йўлидир. Негаки унда лактоза деб аталмиш ўзига хос қанд моддаси мавжуд бўлиб, у ичакда жуда секин сўрилади, шунингдек, ёғ тўпланиши учун организм томонидан деярли фойдаланилмайди. Буларнинг бари газ ҳосил бўлиши ва кўпчиш жараёнларини секинлатишга хизмат қилиб, ошқозон микрофлорасини атиги бир неча ҳафта ичида меъёрий ҳолатга қайтаришга имкон беради, ошқозондаги яллиғланиш жараёнларини ҳамда тилдаги ёқимсиз қатламни йўқотади.

Таркибида кўп миқдорда калий мавжуд бўлган сут зардоби организмда айнан калий етишмовчилиги туфайли юзага келадиган нохуш «апельсин пўсти»га қарши курашишда ажойиб ёрдамчи ҳисобланади. Бундан ташқари, инсон организмида калий етишмаслиги умумий ҳаётий фаолиятнинг пасайишига олиб келиши мумкин, бунга умумий чарчоқ, паришонхотирлик, бепарволик ва бошқа нохуш аломатлар ҳамроҳлик қилади, шунингдек, қабзият кузатилади, қадоқлар пайдо бўлади.

Шу билан бирга, сут зардоби «қувонч гормони»нинг кўпроқ ишлаб чиқилишига ҳисса қўшади. У руҳий тушкунлик ва стрессдан азият чекадиган одамлар учун жуда зарур бўлиб, оғир ҳолатдан чиқишда кўмаклашади.

Зардоб нафақат ички қўлланади, балки ўзининг ташқи таъсири билан ҳам қувонтириб, масалан, вазн йўқотиш, сочлар саломатлигини яхшилаш, тирноқларни мустаҳкамлаш, шунингдек, терини ҳуснбузар ва турли тошмалардан тозалашга хизмат қилади. У углевод ва ёғ алмашинуви жараёнини фаоллаштириб, организм томонидан осон ўзлаштирилади ва шу туфайли ортиқча вазндан халос бўлишга ёрдам беради. Сут зардоби ҳақиқий тозаловчи маҳсулот бўлиб, танадан барча шлак ва заҳарли моддаларни чиқариб ташлайди, шу билан бирга, зарарли холестериндан асрайди.



Бундан ташқари, ушбу маҳсулот тана аъзолари, айниқса, оёғи шишадиган одамлар учун фойдали бўлиб, организмга ортиқча суюқликдан фориғ бўлишга ёрдамлашади. Айнан шу хусусияти туфайли сут зардоби кўпинча ҳомиладор аёлларга тавсия этилади.

Зардоб ёрдамида сочларни мустаҳкамлаш учун бош ювишда ундан мунтазам равишда фойдаланиш кифоя. У сочларни ва бош терисини ёғдан яхшилаб тозалаб, уларни майин ва силлиқ қилади, соч тўкилишининг олдини олади. Суюқликни творог билан бир хил миқдорда аралаштириб, тозаланган юз терисига суртилса ва 10 дақиқадан сўнг илиқ сув билан ювиб ташланса, тез орада сепкиллар анча камаяди.

Агар кимгадир тоза зардобнинг мазаси ёқмаса, ундан жуда фойдали ва тўйимли ичимликлар тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 100 грамм миқдорда исталган реза мева, 250 грамм зардоб, бир ош қошиқ лимон шарбати, шакар ва долчин керак бўлади. Меваларни блендерда майдалаб, сўнгра қолган масаллиқларни аралаштиринг ва хушбўй ичимлик тайёрланг.

**Гулчеҳра АЗИМОВА тайёрлади.**

14 НОЯБРЬ – ХАЛҚАРО ҚАНДЛИ ДИАБЕТГА ҚАРШИ КУРАШИШ КУНИ

# КОРОНАВИРУС ВА ҚАНДЛИ ДИАБЕТ

**Қандли диабетнинг дастлабки белгилари қандай намоён бўлади? Одам ўз организмидаги хавфни олдиндан қандай «эшитиши» мумкин? Нима учун қандли диабети бор инсонларда коронавирус инфекцияси оғир кечмоқда? Мазкур саволлар билан ИИВ Марказий поликлиникаси эндокринолог шифокори Ирода Шерғозиевага мурожаат қилдик.**



– Қандли диабет инсулин гормонининг тўлиқ ёки қисман етишмовчилиги натижасида гипергликемия – қондаги глюкоза миқдорининг давомли ортиб бориши билан кечувчи, организмдаги моддалар алмашинув жараёнлари (углевод, ёғ, оқсил, минераллар ва сув-туз алмашинуви)нинг бузилиши ҳамда қайтмас органик патологиялар келтириб чиқарувчи сурункали касаллик сифатида тавсифланади.

Бу касаллик хавфли асоратлари билан беморларни шошириб қўяди. У қон томирларини шикастлайди ва шунинг учун ҳам бизни иложсиз қолдиради. Мазкур хасталик асосан учта аъзони зарарлайди: оёқдаги томирларга ўз таъсирини ўтказиб, қорасон касаллигини вужудга келтиради, кўзга зиён етказиб, кўриш қобилиятини йўққа чиқаради ва буйрак қон томирларини шикастлаб, буйрак етишмовчилигига олиб келади. Айнан мана шу ҳолат касалланганларнинг ярмидан кўпида учрайди.

Қандли диабети бор бемор турли инфекцияларга мойил бўлади. Чунки шакар микроблар учун озуқа моддаси ҳисобланади. Агар бемор қонида глюкоза кўп бўлса, коронавирус оғир кечади. Зеро, касалликда кузатиладиган «цитокинлар ҳужуми» учун шакар қувват манбаи ҳисобланади. Айниқса, тана вазни ортиқча бўлиб, қандли диабетга чалинган инсонларда ҳам коронавирус оғир кечади. Шу боис короновирус касаллигига хос бирон клиник белги сезилганда, дарҳол ҳудудий шифокорларга мурожаат этиш шарт.

Қандли диабет билан оғриган бемор фаол, серҳаракат бўлиши лозим. Чунки камҳаракатлилик аҳволни баттар оғирлаштиради. Шу боис касалликнинг эрта босқичларидаёқ, беморга доимий даволовчи машқларни бажаришни тайинлаймиз. Агар бемор ҳар куни эрталаб бадантарбия билан шуғулланиб, спорт ёки жисмоний меҳнат орқали танасини чиниқтириб борса, касаллик кўп безовта қилмайди.

Шуни унутмаслик жоизки, семириш инсулинга сезгирлик сусайиб кетишига олиб келувчи асосий сабаблардан биридир. Ортиқча семизлик, камҳаракатлиликка барҳам бериш лозим. Чунки улар танада ортиқча ёғлар йиғилиб қолишига шароит яратади ва шундоқ ҳам заҳарланиб бўлган қоннинг янада фаоллашувига йўл очади.

Қандли диабетда имкон қадар углевод ва ёғ миқдорини камайтириш зарур. Шунинг учун ҳам қатъий парҳез буюрилади. Ширинликларни камайтириш мақсадга мувофиқ. Кўпроқ мева, сабзавот, кўкатлар истеъмол қилиш лозим. Салатлар, витаминга бой маҳсулотлар бемор саломатлигини яхшилайди. Қовун, узум ва бананни таомномадан чиқариб ташлаган маъқул. Овқат билан бирга, қонга кўп миқдорда оқсил моддалар, айниқса, ҳайвон оқсиллари кириб тургудек бўлса, буйракларда нефропатия ривожланиши тезлашади. Аксинча, ҳайвон оқсиллари истеъмолини камайтириш диабетик нефропатия ривожини секинлаштиради. Шу боис диабетларга мол ва парранда гўштлари тавсия этилиб, қўй ёки от гўштлари тақиқланади.

**Адолат ФАЙЗИЕВА ёзиб олди.**

**Тавсияларга амал қилишдан олдин шифокор билан маслаҳатлашинг.**



# Детская страничка







## Пуговица

У Тани оторвалась пуговица. Таня долго пришивала её к кофточке.

– А что, бабушка, – спросила она, – все ли мальчики и девочки умеют пришивать свои пуговицы?

– Вот уж не знаю, Танюша; отрывать пуговицы умеют и мальчики, и девочки, а пришивать-то всё больше достаётся бабушкам.

– Вот как! – обиженно сказала Таня. – А ты меня заставила, как будто сама не бабушка!

## ТЮБЕТЕЙКА

Как обычай вечен в нашем крае,
От отцов он передался нам, –
Тюбетейку мы на счастье дарим,
Преподносим радостно друзьям.
В ней душа народная таится.
Щедрость и краса родных садов.
Тонкою иглою мастерица
Вышила узор живых цветов.
Тюбетейка пусть напоминает
Наши степи, горы и поля,
Как лучисто солнце в нашем крае,
Как щедра узбекская земля!

**Раим ФАРХАДИ.**



**Кто что рисует?**
Темур и Руслан рисуют. Один – дом, другой – дерево. Что рисует Руслан, если Темур не рисует дом?



**Сколько чисел вы здесь видете?**



## БУДЬ ВНИМАТЕЛЕН!

Посмотри на картинки и поставь в квадратиках знак (+), если мальчики и девочки ведут себя правильно, и знак (–), если неправильно и опасно.

Посчитай и напиши в квадратике, сколько картинок, где пешеходы ведут себя правильно ☐, и сколько картинок, где пешеходы ведут себя неправильно ☐.



**На рисунке – 14 слов на букву «М». Сможете их найти?**



## ЗА БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ



# Как предотвратить ДТП?

**ВОЖДЕНИЕ В НЕТРЕЗВОМ ВИДЕ** – основной фактор ДТП со смертельным исходом. Когда нетрезвый человек едет на высокой скорости, он не реагирует на цвета светофора, дорожные знаки. Алкоголь притупляет внимание, поэтому в таком состоянии за руль садиться нельзя.

**ПРЕВЫШЕНИЕ СКОРОСТИ.** Вероятность попасть в аварию повышается, если машина двигается быстрее или медленнее средней скорости потока. При быстрой езде водитель привыкает к набранному темпу движения и не способен адекватно оценить изменившуюся на дороге ситуацию.

**У СОННЫХ ИЛИ УТОМЛЕННЫХ ЛЮДЕЙ ПРИТУПЛЯЕТСЯ ВНИМАНИЕ** и снижается быстрота реакции, их поведение непредсказуемо. В сводках часто появляется информация о ДТП с участием уснувших за рулем водителей.

**МНОГИЕ НЕДООЦЕНИВАЮТ ПОГОДНЫЕ И ДОРОЖНЫЕ УСЛОВИЯ.** На мокрой или заснеженной дороге привычная скорость может стать причиной заноса, удлиняется тормозной путь. Не меньшую опасность таит и несвоевременная смена резины с летней на зимнюю.



**ДАВНО ДОКАЗАНА ЭФФЕКТИВНОСТЬ РЕМНЕЙ БЕЗОПАСНОСТИ,** однако многие не используют их, считая неудобными или бессмысленными. При этом непристегнутый пассажир, сидящий как на переднем, так и на заднем сиденьях, подвергает опасности не только себя, но и своих соседей. Между тем, применение ремней безопасности уменьшает риск гибели и тяжелых травм при фронтальном столкновении в 2–2,5 раза, при боковом – в 1,8 раза, а при опрокидывании – в 5 раз.

Чтобы уменьшить количество ДТП, можно обратиться к опыту зарубежных стран. Как они справляются с ситуацией?

На помощь приходит идея «умной дороги», в частности, приподнятый переход, который является своего рода симбиозом пешеходного перехода и «лежачего полицейского».

Во-первых, приподнятый переход выполняет функцию искусственной неровности, перед которой водители вынуждены сбрасывать скорость. Это повышает вероятность того, что они вовремя заметят пешехода или велосипедиста и пропустят его. В случае же, если водитель все-таки не уступит дорогу, невысокая скорость движения позволит избежать тяжелых последствий. Во-вторых, приподнятые переходы дают пешеходам и велосипедистам приоритет в геометрии улицы: тротуар и велодорожка остаются непрерывными, а проезжая часть прерывается. Автомобили пересекают территорию пешеходов и велосипедистов, а не наоборот.

Идеология «умной дороги» заключается в том, что сама конструкция дорожного пути должна компенсировать несовершенство человека, в том числе его склонность к ошибкам и физическую хрупкость. Идея сводится к использованию технологических инноваций, позволяющих повышать информативность дороги и предсказуемость дорожных условий, особенно в темное время суток и в сложных погодных условиях.

Эффективность этих мер, на первый взгляд, оценить сложно. Но если ждать, когда участники дорожного движения, наконец, осознают всю полноту ответственности за нарушение ими правил, дело еще не скоро сдвинется с мертвой точки. Тогда на помощь нерадивым водителям и пешеходам приходит концепция «умной дороги».

**Диёр-Ильхом ИСХАКОВ,**
**студент Университета журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана.**
**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**

### ЮМОР

**– Это вы были неосторожны! – упрекает шофер пешехода, которого он чуть было не задавил.**

**– Я работаю водителем уже десять лет, и до сих пор со мной еще ничего подобного не случалось!**

**– Я тоже не новичок! – возмущается пешеход. – Хожу пешком уже пятьдесят лет!**




# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ
## (с 16 по 22 ноября)

**Овен.** Вы будете сильно переживать по поводу здоровья близких людей. Эти волнения могут негативно сказаться и на вашем собственном самочувствии. Постарайтесь не зацикливаться на негативе, настраивайтесь на хорошее.

**Телец.** Будьте аккуратны, выражая эмоции и чувства. Вашу экспрессию могут неверно понять, тем более что ранее вы вели себя гораздо сдержаннее. Чтобы никого не обидеть, избегайте экстравагантных выпадов.

**Близнецы.** На этой неделе ваша финансовая удача зависит от других людей. Согласятся ли они помочь в делах? Денежные вопросы решатся успешно, если получится убедить или уговорить их помочь.

**Рак.** Отличный период, поскольку у многих Раков сбудутся мечты. Правда, при условии, что они связаны с домом и семьей. В противном случае могут и не осуществиться. Поэтому будьте скромнее с желаниями. Лучше синица в руках, чем журавль в небе.

**Лев.** На этой неделе станут известны потрясающие новости, которые взбудоражат воображение. Перед вами откроются поистине невиданные по своим масштабам перспективы. Это придаст уверенности в силах и вдохновит на подвиги.

**Дева.** Хорошо бы заняться благоустройством жилища. Вы будете трудиться не покладая рук, чтобы дом стал красивым и уютным. А когда родственники придут в гости и восхитятся проделанной работой, испытаете заслуженное чувство гордости!

**Весы.** Коллеги будут делить сферы влияния. Впрочем, на вашу область компетенции вряд ли кто-то рискнет покуситься. Даже если вдруг такой смельчак найдется, Весы справятся с ним без малейшего труда. Ему не стоит переходить вам дорогу.

**Скорпион.** Деловой партнер станет изрядно раздражать вас полным непониманием ситуации. Впрочем, и в личных отношениях вероятно недопонимание, из-за чего могут возникнуть разногласия и ссоры. Старайтесь держать ситуацию под контролем.

**Стрелец.** Могут возникнуть проблемы в семье. Вам это покажется ерундой, не стоящей внимания, но домашние с этим не согласятся. Все же вы сумеете наладить отношения и вернуть покой и взаимопонимание.

**Козерог.** Придется немного поволноваться из-за доходов. Можете сменить банк, в котором храните сбережения. Вероятно, даже сделаете это несколько раз. А все потому, что получили тревожные новости и постараетесь подстраховаться.

**Водолей.** Вас будто будут подталкивать к ведению светского образа жизни, что вам несвойственно. Но именно на этих раутах Водолеи могут встретить свою любовь. Однако не забывайте и о работе – она дает средства к существованию.

**Рыбы.** Неожиданно может поступить предложение возглавить отдел или группу, провести обучение или семинар. Не раздумывайте – соглашайтесь! Это хорошо скажется на дальнейшем карьерном росте.

ТАНЛОВ

# САНЪАТГА ОШУФТА ҚАЛБЛАР

**Термиз шаҳрида вилоят ички ишлар органлари ходимлари ўртасида «Амир Темур ўғлонлари» ва «Жалолиддин Мангуберди ворислари» номидаги вилоят ҳокими совринни учун танлов бўлиб ўтди. Икки кун давом этган танловда санъатга ошно ходимлар бахшичилик, рассомчилик, от чоптириш, китобхонлик ва чанқовуз чалиш маҳорати бўйича ўзаро беллашди.**





Дастлаб мўйқалам ёрдамида санъат намуналарини ярата олиш қобилиятига эга иқтидор эгалари ўз асарларини намойиш этишди. Шундан сўнг энг сара китобхон ходим танлаб олинди. Дўмбирани сайратиб, бахшиёна куйлаётган иштирокчиларнинг чиқишлари воҳадаги донгдор бахшиларимиз томонидан баҳолаб борилди.

Айтиш жоизки, олис Сурхоннинг тоғларию зилол шаршаларини ёдга соладиган чанқовузнинг сирли куйи ҳамманинг юрагига ҳаяжон солди. Этларни жимирлатди, юракларни титратди. Ундан сеҳрли куй таратишни қойиллатганлар бир-биридан ўзаман, деди. Пировардида ҳакамларнинг муносиб баҳосига, йиғилганларнинг эса олқишига сазовор бўлди.

Азалдан от миниб катта бўлган воҳанинг мард ўғлонлари Термиз туманидаги «Отчопар» майдонида ўз маҳоратларини кўрсатишди. Уларнинг чиқишларини Йилқичилик ва от спорти федерацияси вакиллари кузатиб боришди.

Мусобақалар ниҳоялангач, ғолиблар ва совриндорлар эълон қилинди. Унга кўра, «Китобхонлик ва китоб мутолааси» йўналиши бўйича биринчи ўрин лейтенант Азизжон Қодировга, иккинчи ўрин лейтенант Сардор Бозоровга, учинчи ўрин катта лейтенант Жавоҳир Саидовга насиб этди. «От миниш маҳорати» йўналишида Термиз халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш батальони ходими, сафдор Тўлқин Турдиқулов ғолиб деб топилди. Кейинги ўринларга лейтенант Икром Маматмўминов ва капитан Шерқўзи Хўжамқулов муносиб кўрилди.

«Бахшичилик ва достончилик санъати» йўналишида майор Жўрабек Хўжақулов ғолибликни қўлга киритган бўлса, «Чанқовузда куй ижро этиш санъати» йўналишида лейтенант Элбек Зоировга тенг келадиган рақиб топилмади. Шунингдек, капитан Дилфуза Чоршанбиева «Тасвирий санъат йўналиши» бўйича зафар қучди.

Ғолиблар диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**
**«Postda» мухбири.**
*Сурхондарё вилояти.*





ЖУРНАЛНИ ВАРАҚЛАГАНДА



## ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМГА БАҒИШЛАНГАН

«Qalqon – Щит» журналининг яқинда босмадан чиққан навбатдаги 10-сонида туркум мақолалар қўшалоқ байрам – Ўқитувчи ва мураббийлар куни ҳамда Ички ишлар органлари ходимлари кунига бағишланган. Нашрдан, шунингдек, Ўзбек тили байрамига бағишланган, юксак мукофот соҳиблари, турли соҳавий хизматлар фидойилари, тоғли ҳудуд, учинчи сектор, фахрийлар ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар ҳам ўрин олган.

«Сиз кутган учрашув» саҳифасининг бу галги меҳмони эса элимизнинг суюкли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюновадир. Таниқли адиб Қамчибек Кенжанинг «Балиқ ови» ҳикоясини ҳам қизиқиб ўқийсиз, деб умид қиламиз. Хуллас, барчангизга мутолаа завқи ёр бўлишини тилаб қоламиз.




**Postda**
На посту

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir – polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o‘rinbosari – mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas’ul kotiblar – Jahongir SHAROVBOYEV, Erkin SATTOROV

Navbatchilar – Temur QURBONOV, Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar – Ilhom JUMANOV, Akbar BOLTAYEV

TELEFONLAR:
71-231-33-88;
Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari bo‘yicha:
71-231-38-74;
95-177-32-31

Web-site: www.postda.uz
E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo‘lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko‘chirib bosilganda manba ko‘rsatilishi shart.
Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O‘zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko‘chasi 30-uy.

Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Buyurtma №V-4406.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 784 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
**100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko‘chasi 9-uy.**